

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ
А.ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ, ТАРИХ ЙЎНАЛИШИ**

Ҳимояга тавсия этаман:
Умумий тарих кафедраси
муздори в/б: _____ Ф.Тошбоев
«_____» _____ 2012 йил

Ҳимояга тавсия этаман:
Тарих факультети декани
_____ доц.С.Ғозиев
«_____» _____ 2012 йил

IV курс талабаси
Яманов Шухратнинг

БИТИРУВ
МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Туркистонда XIX аср охирларидаги миллий – озодлик
ҳаракатлари” мавзусини ўқитиш (Дукчи Эшон қўзғолони
мисолида)**

Илмий раҳбар:

т.ф.н.доц.Б.Миркомиллов

Такризчилар:

Ушбу БМИ “Умумий тарих” кафедрасининг «_____» _____ даги «_____» _____ сонли
мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган

Жиззах – 2012

Режа:

Кириш.

I-боб. Россия босқини арафасида Ўрта Осиё хонликларидаги вазият ва ўлкани руслар томонидан босиб олинishi.

- 1.1. Руслар босқини арафасида хонликлардаги ижтимоий-сиёсий вазият.
- 1.2. Россия ва Англиянинг ўрта Осиё учун олиб броган ўзаро кураши.
- 1.3. Қўқон хонлигига қарашли территорияларни руслар томонидан босиб олинishi.

II-боб. Туркистон халқларининг Эрк ва Озодлик учун курашлари.

- 2.1. XIX – аср охирларидаги халқимизнинг озодлик учун курашлари.
- 2.2. Андижон қўзғолони (1898-йил) унинг тарихий аҳамияти.
- 2.3. Андижон (Дукчи эшон) қўзғолонини тарих дарсларида ўқитишнинг таълим-тарбиявий аҳамияти.
- 2.4. Илова Тестлар, мавзуга оид хужжатлар.

Фойдаланилган адабиётлар

Мундарижа

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистоннинг яқин келажакда буюк давлат бўлиши учун узоқ давом этган мустамлака сиёсати ҳосил этган гирдобдан чиқиб олиши зарурлигини юртбошимиз бир нахабор ўқтиргани бежиз эмас. Бунинг учун рус мустамлакачилигининг табиатини, унинг узоқни кўзлаган изтибдоди моҳиятини, бир сўз билан айтганда, тарихини ўрганиш, хулосаларга келиш тақозо этилади.

Айтиш жоизки, 130-йил давомида қаттиққўллик билан ҳаётга татбиук этилган мустамлакачиликнинг машъум тамойиллари қолдирган асоратни бугунги кунда Ўзбекистоннинг ҳамма жаҳҳасида: иқтисодият ва маданиятда, илм-фан ва маорифда қишлоқ хўжалиги ва саноатда кузатиш мумкин.

Биз яқин кечмишдаги таърихий ҳақиқатни у қандай бўлса, шу ҳолда ҳолда тиклаш ва гавдалаштиришдек эзгу ва олижаноб мақсадни ў олдимизга қўйганмиз. Таърихий ҳақиқат шундаки, Россия империясининг собиқ мустамлакаси бўлган, эндиликда эса суверен давлатга айланган Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерацияси билан дўстона тенг, ўзаро ҳурмат асосида давом этиб келатган алоқалареини мустаҳкамлашда у икки томонлама сабоқ ва иборат вазифасини ўташи лозим бўлади.

Танланган ушбу мавзунинг замонавий янги ва долзарблиги ҳам шундадир.

— Туркистон ўлкасининг рус мустамлакачилиги вас шўро ҳукмронлиги даврида кечган мазлумона ҳаёти таърихий-илмий адабиётларда, қай нуқтаи назардан бўлмасин, ҳар ҳолда, нисбатан тўлароқ ифода этилган, дейиш мумкин. Бу адабиётларни мазмун ва эътибори билан тўрт даврга ажратиш тўғри бўлади. Биринчи давр асосан 1917-йилгача ёзилган тадқиқотларни, иккинчи давр 20 - 50-йилларда, учинчи давр эса 50-йилдан то 80-йиллар биринчи даврига қадар яратилган асарларни қамраб олади. Тўртинчи даврга оид адабиётлар таърихшуносликда «Қайта қуриш» деб ном олган 80-йилларнинг иккинчи ярмидан то Ўзбекистон

Республикасининг мустақилликка эришганига қадар ва мустақиллик йилларида бужудга келган асарлар мажмуидан иборатдир. Биринчи даврга мансуб таърихий-илмий китобларда рус мустамлакачилик сиёсатига доир танқидий фикр-мулоҳазалар деярли учрамайди. Чунки уларнинг муаллифлари асосан бошқа халқларни талашдан, эзишдан манфаатдор бўлган дворян-по-мешчиклар, зобитлар, савдо саноат корчалонлари, нуфузли амалдорлар бўлишган. Бу хил манбааларда кўпроқ Россиянинг Туркистонда қулай бошлаган иқтисодий сиёсий зуғумларини оқлаш, салтанат ҳукмдор доираларининг манфаати нуқтаи назаридан улкани ўзлаштириш бўйича яна қандай тадбирлар кўриш зарурияти баҳс этилади. Бу асарлардаги бош ғоя, етакчи йўналиш, қандай бўлмасин, салтанатнинг Туркистондаги тажовузи ва мустабид тизимини ғоявий асослашга, янги «иккинчи рус Туркистони»ни барпо этиш учун зарур йўналишларни белгилашга қаратилиши билан боғлиқ эди. Бу жиҳатдан Генерал-лейтенант М.А.Терентевнинг «Ўрта Осиёнинг босиб олинishi тарихи» (1906) асарини қайд этиш мумкин.

Китобда Ўрта Осиёнинг Мустамлакага айлантирилиши аҳамияти кўрсатилиб, биринчи фотиҳ К.П.фон Кауфманнинг «ўлкани ўзлаштирувчилик» фаолиятига таҳсинлар ўқилади. Муаллиф рус дворянлари ва капиталистларнинг манфаатлари ҳимоячиси сифатида қалам тебратади.

Санкт-Петербургзодогонлари вакили, ўлкашунос олим княз В.И.Масалский¹ эса диққатини Туркистондаги ер-сув масалаларига қаратиб, арзон пахта хом ашёга эришиш учун ўлкада пахта яккахокимлигини ўрнатиш, русларни кўпайтириш чораларини кўриш лозимлигини уқтиради. Подшо вазири А.В.Кривошеин ҳам асарларида худди шундай ҳақида фикр юритади.

¹ Ўзбекистоннинг янги таърихи Тошкент 2000 1-том, 9-бет.

Бу мақсад йўлида улар ўз маданиятини, тили ва адабиётини, мусика ва, хатто, меъморчилигини Туркистон аҳолиси дидига яқинлаштиришга, шу орқали, уларнинг ич-ичига кириб боришга интилади. Туб жой кишилар билан ўзларини тенг қилиб кўрсатиш, шу таҳлит уларнинг хурматини қозониш, бирга отириб-туриш, қон қарндош бўлиб кетганлигини пеш этиш одатлари ҳолга айланади. Рус мустамлакачилигининг бу хилдаги қабих ва айёрона дастури фикр юритилаётган биринчи давр адабиётида яққол гавдаланади, дейиш мумкин. Мустамлакачилар бор қуч-ғайратларини Туркистоннинг ўтмишини камситишга, бизни асл таърихимиздан жудо қилишга сарфлаганлари бу давр адабиётига хосдир.

— Иккинчи даврга тааллуқли адабиётда Туркистон ўлкасидаги мустамлакачилик сиёсати ва унинг асосий йўналишлари, шунингдек, истиқлол учун олиб борилган курашлар қамраб олинади. Табиийки, бу мавзулар шу давр адабиётида, айниқса 20-йиллар тарихшунослигида бир қатор муаллифларнинг асарларида турли даражада, турлича савияда ўз аксини топди. Мухими шундаки, 20-йилларда қалам тебратган муаллифлар ўзлари тасвир этган, фикр юритган ижтимоий-сиёсий воқеа ва ҳодисаларнинг бевосита иштирокчилари бўлишган. Шу боисдан бу асарларда даврнинг мураккаб, зиддиятли, маҳзун руҳи уфириб туради. Чунончи, мустамлакачилик сиёсатининг туб моҳияти Г.И.Сафаров, П.Г.Галузо тадқиқотларида илк дафа тўлароқ акс этди.

Бу икки тадқиқотчи² ўз асарларида Россия мустамлакачилик сиёсатининг барча қирраларини чуқур ёритгани ҳолда, Туркистондаги Истиқлол кураши хусусида синфий ёндашувда туришганини алоҳида таъкидлаб ўтамин. Чунки улар шўро ҳокимияти мафкураси доирасидан четга чиқиша олмаган. Бу – Чоризмнинг мустамлака истибдоди ва унга қарши кўтарилган миллий-озодлик ҳаракатлари жаиди Фозилбек Отабек ўғлининг «Дукчи эшон воқеаси» (1927) китобида далиллар асосида

² 1. қаранг. О'збекистоннинг янги та'рихи. Тошкент-2000, 10-бет.

Ўзининг ёрқин ифодасини топди. Бу асарда рус мустабидларининг кўчирувчилик сиёсати ва истибдод зулми бой далиллар асосида ёритилган эътиборга лойиқдир. Фозилбек Отабек ўғли XIX аср охирларида Туркистондаги вазиятни ўша давр шоҳиди сифатида ишонарли тасвирлаган. Фозилбек Отабек ўғли 20-йиллар тарихшунослигида биринчи бўлиб 1898-йилги Андижон кўзғолони раҳбари Муҳаммадали эшон шахси ва унинг фаолиятини бевосита ўша воқеалар гувоҳи сифатида ҳолис баҳолаб. Ўз фикрларини замондошлар гувоҳликлари асосида ишонарли тарзда исботлаб берган.³

Учинчи давр (50-йиллардан 80-йиллар биринчи ярмига қадар) адабиётида тарихни сохталаштириш ва бузиб талқин этиш соҳасида ўзига хос пойга авж олди.

Бинобарин, Туркистон ўлкасида бўлиб ўтган барча миллий-озодлик ҳаракатлари ҳақида ижобий фикр билдириш уёқда турсин, бор ҳақиқатни ёзиш гўё рус халқига қаратилган миллатчилик ҳаракати сифатида баҳоланар эди. Бу шу даражага бориб етдики, XIX асрнинг иккинчи ярмидаги милли-озодлик курашларига муносабат билдириш «улуғ рус халқи билан бўлган дўстликка раҳна солиш» сифатида сиёсий хатога йўйилди. Масаланинг бу тарзда газаклаши «улуғоға» вакиллариининг айрим виждонли, ҳалол олимларида хижолат туйғусини уйғотмай қолмади. 1954 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон таърихига бағишланган илмий сессияда А.И.Сидиров айтган қуйидаги гаплар диққатга лойиқдир: «Ўрта Осиёнинг ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик ва бошқа халқларнинг турли шаклдаги ғалаёнлари, бу халқларнинг мустамлака истибдодига қарши кураши илғор ҳаракат деб баҳоланмаслиги – бу, демак, халқ оммасининг тарихий воқеликдаги ижобий хизматини инкор қилинишидир. Унда таърихда нима ижобий ҳолат ҳисобланади?

³ Фозилбек Отабек о'ғ'ли. Дукчи Эшон воқеаси, Самарқанд – Тошкент, 1927.

Милионлаб халқ оммасини қонга ботирган подшоҳликнинг мустамлака идорасими? Ёхуд бу исдибдодга қарши курашми?»⁴

- Мавзу таърихшунослигининг тўртинчи даври 80-йиллар иккинчи яримларидан то Мустақилликка қадар бўлган муддатни ўз ичига олади. Гарчанд бу давр тарихан жуда қисқа – ўн-ўн беш йилни қамраса-да, вужудга келган адабиётлар моҳият ва мундарижа эътибори билан ғоят салмоқли эканлигини таъкидлашга тўғри келади.⁵

- «Ўзбек олимларининг куч ғайратлари билан, - деб ёзган эди И.А.Каримов, тарихимизнинг кўпдан-кўп ғоят муҳим саҳифалар,и энг аввало, темурийлар даври, XIX аср охири – XX аср бошлари тарихи янгидан кашф этилди. Шунини эсда тутиш муҳимки, ўтмишимизни «оқлаш» вазифалари умуман олганда бажариб бўлинди; ҳозир эса асосий вазифа таърихий таҳлилнинг илмий жиҳатдан ҳолисона ва ҳалол амалга оширишдан иборатдаи».⁶

- Ўзбекистон 1991-йил 31-августда истиқлолга эришгач, тарихшунослик фанида янги саҳифа очилди. Айниқса, бу борада Президент Ислам Каримовнинг 1996-йил 18-сентябридаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи марказини ташкил этиш тўғрисида»ги тарихий Фармойиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996-йил 16-декабридаги қарори ғоят катта дастуруламан аҳамиятга эга бўлди.⁷

Битирув малакавий иш ўз тузилишига кўра кириш, иккита боб, олтита параграф, иловалар ҳолда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

⁴ Ўзбекистоннинг янги таърихи. 1-том Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тошкент-2000, 14-15-бетлар.

⁵ Зияев Ҳамид. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т.: «Шарқ», 1998.

⁶ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI боғсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т.: Ўзбекистон 1997 141-бет.

⁷ Халқ соғи, 1996-йил 19-декабр, 1996-йил 17-декабр.

I-Боб. Россия босқини арафасида ўрта Осиё хонликларидаги вазият ва ўлкани руслар томонидан босиб олинishi.

1.1. Руслар босқини арафасида хонликлардаги ижтимоий-сиёсий вазият.

Ватанимиз тарихи ўзбек давлатчилиги тараққиёти бир текисда кечмаганлиги, унинг силсиласида зафарли инқирозли даврлар бўлганлигидан гувоҳлик беради. Соҳибқурон Амир Темури асос солган салтанат энг йирик ва қудратли давлат бўлганлиги жаҳонга маълум. Амир Темури ўзидан қудратли давлатни, салтанат қуриш ва давлатни бошқариш қонун-қоидалари баён этилган машҳур қўлланма (дастур ул-амал)ни қолдирган эди. «... Фарзандларим ва авлодимиздан бўлганларнинг ҳар бири, - деб ёзган эди у ўзининг тузукларида, - унга мувофиқ иш юрицин ... Бу тузуклардан ўз салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар, токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлғай»⁸ Соҳибқурон Амир Темури ворисларига «миллатнинг дардига дармон бўлиш», «заифларни кўриш ва йўқсилларни боялр зулмига ташламаслик»ни қўқдириб «адолат ва яхшилик қилмоқ дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин» дея васият қилган эди. Аммо унинг дастури ва васиятларига амал қилинмади. Тахт, ҳокимият илинжида авж олган ихтилоф ва ички курашлар, жангу-жадаллар давлатни заифлаштириб, мамлакатни инқирозга ва паракандаликка олиб келди.

XVI аср бошларида заифлашиб бораётган Темурийлар салтанатига Дашти Қипчоқ томонидан кўчманчи ўзбеклар давлати ҳукмдори Муҳаммад Шохбахт Шайбоний ҳужуми бошланди. Шайбонийхон 1500-1501-йилларда Ўрганчни, 1506-1507-йилларда Хуросон пойтахти Ҳирот ҳамда Балхни, шунингдек, Марв, Машҳад, Нишопур, Тошкент, Фарғона ва Сирдарё ерларини забт этди. Қатъиятли саркарда Шайбонийхон темурий шаҳзодалар орасида ўзига муносиб рақибни Заҳириддин Муҳаммад Бобур

⁸ Темури тузуклари. Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 53-бет.

сиймосида учратди. Бу икки ўзбек саркардаси, икки шоир ва икки давлат арбоби иттифоклашиб, Темурийларнинг бутун Шарқ ва Ғарбга ёйилган шуҳратини барқарор этиш, Соҳибқурон Амир Темури асос слаган қудратли давлат шукуҳини тиклаш ўрнига ўзаро кураш, уни эгаллаш билан банд бўлишди. Натижада, Мовароуннаҳр ва Хуросон ягона давлат таркибидан ажралиб кетди. Эронда кучайиб бораётган Сафавийлар вазиятдан фойдаланиб, бу икки саркарда курашига аралашди. Мамлакатда паракандалик авжга миниб, аввалги қудратдан путур кетди. Бобо юртидан ажралган, охир-оқибатда Ҳиндистонни забт этган Бобур ва унинг авлодлари уч аср мобайнида бу мамлакатни идора қилдилар.

Мовароуннаҳрда шайбонийлар сулоласи ҳокимият тепасига келади. Қарийб, бир асрга яқин давом этган шайбонийлар ҳукмронлиги даврида ҳам тинчлик бўлмади, қирғинборот урушлар, ўзаро ички курашлар давом этди. Шайбоний Убайдиллахон (1533-1539) тахтга кўтарилгач, Бухоронинг мавқеи ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан анч кучайди ва Мовароуннаҳрнинг сиёсий-маъмурий марказига айлантирилди. Абдуллахон (1557-1598) даврида, 1557-йилда пойтахт расман Самарқанддан Бухорога кўчирилди ва бу сана тарихга Бухоро хонлиги ташкил топган йил бўлиб кирди.

1601-йилдан эътиборан Бухоро хонлигида ҳокимият аштархонийлар (жонийлар) сулоласи қўлига ўтди. 150 йилгача (1601-1753) ҳукмронлик қилган Аштархонийлар сулоласи даврида ҳам Бухоро хонлигида Барқарорлик бўлмади. Хонлик вилоятларида ҳукмронлик қилувчи амрлар ва бекларнинг ўзбошимчалиги, марказий ҳокимиятдаги амалдорлар ўртасидаги ўзаро келишмовчилик, уруғчилик, мавқе талашиш мамлакат тинчасини киритди. Шунинг учун ҳам ХВББББ асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлиги ва Хива хонлиги Эронлик ва ўзаро курашлар заифлаштирган бу икки хонлик Нодиршоҳнинг таъсир доирасига тушди. Нодиршоҳни ваъсий сифатида тан олган Муҳаммад Раҳим 1753-йилда

ўзини Бухоро амири деб эълон қилди ва 1920-йилгача ҳукм сурган манғитлар сулоласига асос солди. аммо у ички курашларга буткул барҳам бера олмади. Натижада, Бухоро хонлигининг мустақил яна бир давлат ташкил топди ва у таърихда «Қўқон хонлиги» деб ном олди.

Қўқон атрофида яшаб турган ўзбек қабилаларидан бири минглар ўз етакчиси Шохрухбийни ҳокимият тепасига кўтардилар. Қўқон шаҳри четида жойлашган Тепакўрғон Шохрухбийнинг қароргоҳи айлантирилди.

XVII-XVIII-асрларда Қорақалпоқлар ороллик ўзбеклар билан биргаликда Орол ерларида ўз давлатини тузган эди. Бу давлат бирлашмасининг аҳолиси – қорақалпоқлар ва ўзбеклар қўшни халқлар билан яқин алоқада бўлган. XVIII-асрдаги қорақалпоқлар ижтимоий ҳаётига уруғ-қабилаларга бўлиниш анъанасига хос бўлган. Бутун халқ икки катта қвм (орис) га – ўн тўрт уруғ ва кўнғирот қавимларига бўлинган. Ўн тўрт уруғ қавмининг асосий гуруҳини Хитой, қипчоқ, Кенагас, Манғит уруғлари ташкил этган. Барча гуруҳларни уруғ табақалари – бийлар ва ботирлар бошқарган. Улар билан мусулмон рўхонийлари яқиндан алоқада бўлган.

XVIII-асрда жунғар ва қозоқ хонларининг босқинчилик хужумлари натижасида Сирдарё бўйларида яшаётган қорақалпоқларнинг бир қисми Янгидарё бўларига ва Орол ерларига кўчишига мажбур бўлган. Янгидарё ерларида ўрнашган қорақалпоқлар учун юз йиллар қаровсиз қолган бепаён майдонларни ўзлаштириш қозоқ хонлари ва султонлари билан доимий тўқнашувлар натижасида жуда оғир кечди. Шунинг учун ҳам археологлар Янгидарёдаги суғориш иншоотлари қолдиқларини «қорақалпоқ аجدодлари меҳнат жасоратининг буюк ёдқорликлари» деб ҳисоблайдилар.

Қорақалпоқ (Орол) ерлари XVII-XIX-аср бошида Қувондарё ва Янгидарё хавзасини тўлиқ қамраб, Амударё етакларигача чўзилган эди. Лекин XIX аср бошида Хива хонлари Орол бўйича аҳолисини бўйсиндиришга қаратилган ҳарбий ҳаракатларни бошлайди ва бу

ҳаракатлар 1810-йили Муҳаммад Раҳимхон (1806-1825) даврида қуйи Амударёдан Янгидарёгача бўлган Қорақалпоқ ерларинин хива хонлигига кўчиб олиниши билан тугайди.⁹

Шундай қилиб, жаҳон сахнасида ХВІІІІ-аср охири ва ХІХ аср бошларида буюк Темур салтанатини уч тарқоқ оъзбек хонлиги оъзида гавдалантирди.

⁹ Қаранг. Камолов С, Сарибоев К. Қорақалпоқлар. Рисола. Нукус, 1999, 1-3 бетлар

1.2.Россия ва Англиянинг Ўрта Осиё учун олиб борган ўзаро кураши

XIX аср иккинчи ярми бошларида Туркистон хонликларини бўйсиндириш мақсадида Россия олиб бораётган сиёсат Буюк Британиянинг шу борада узокни кўзлаган режаларига жиддий хавф солар эди. Шунинг учун Англия турли йўллар билан Ўрта Осиёдаги давлатларни Россияга қарши отлантириш пайига тушади.

1831-1833-йилларда Ост-Индия компанияси лейтинанти Александр Верне Ҳиндистондан Афғонистонга, ундан Бухорога сайёх сифатида келади. Бу «саёхат» натижасида йиғилган далиллар ва шахсий кузатувлар «Бухорога саёхат» деб номланган уч жилтлик китобга асос бўлади. Бу ўринда А.Бериснинг ўзбек халқи ҳусусида билдирган фикрлари диққатга сазовордир: «Ўзбеклар муомалада камтар ва самимий. Улар менинг ким эканимни билмаганликларидан, барча нарсалар ҳусусида, ҳукмдорлари ва сиёсатдан тортиб, бозордаги аҳвол ҳақида ҳам тортинмай сўрашдилар»¹⁰

Англия ўз дипломатлари, сайёхлари ҳамда айғоқчилари воситасида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларини Россияга қарши иттифоққа уюштиришга ҳаракат қилди. Улар шу мақсадда форс ва турк тилларини яхши билган Конолли, Бернс, Арчи Толд, Аббот ва Шекспир каби зобитларни ўзбек хонликларига юбордилар. Айрим манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, Конолли Хива хони билан учрашиб, унга «Ўзбек давлатларининг чет мамлакатлар томонидан ишғол этилишидан асровчи ягона йўл бор. У ҳам бўлса бир-бирларингиз билан яхши муносабатда бўлиб, ўзаро ёрдамлашишдир», деган. Хива хони Оллоқулихон эса русларнинг баҳорда яна ҳужум қилмоқчиликларидан хабар топгач, Истанбулга ва инглизлар ҳузурига ўз элчиларини жўнатиб, ёрдам сўради. Туркия давлатидан бирор хабар ололмаган Хива хони ҳузурига инглиз зобитлари Аббот ва Шекспир этиб келишди. Улар Хива

¹⁰ Берис А. Путешествий в Бухару. М., 1850, 221-бет.

хонига пойтахтдаги рус асирларини озод қилиш ва бу билан бўлажак тўқнашувга баҳона қолдирмаслик лозимлигини уқтирдилар. Ҳақиқатдан, асирларнинг озод этилиши билан янги уруш очишга ортиқ баҳона қолмагач, Перовский юришни кечиктиришга мажбур бўлди. Хавфнинг бартараф бўлганини кўрган Оллоҳқулихон тинчликни таъминлашда берган ёрдамлари учун инглиз ҳукуматига ҳам элчилар йўллаб, ўз миннатдорчилигини билдирган эди.

Англия ҳукумати бу вақтда Полковник Стоддартни Бухорога юборган эди. Стоддартнинг Бухорога келаётганини эшитган Насруллахон унга шаҳарга киришда отдан тушиб, яёв юришини ва қуролини топшириши зарурлигини буюрди. Аммо, Стоддарт Осиё тартиб-қоидаларини унутиб, Бухоро хукмдорининг буйруғини менсимайди. Насруллахон эса Аламини ичига ютиб, Стоддартни қабул қилишга мажбур бўлади. Амр унинг асл мақсади айғокчилик эмас дўстона муносабат эканлигига ишонмай, ундан тегишли хужжат сўрайди. Полковник Стоддартда бундай хужжат йўқ бўлгани учун Амр уни ҳибсга олади. Ўз элчиларининг Бухорода тутиб қолиниши Англия ҳукуматини озод этишга уринишга мажбур этади. Инглиз ҳукумати олдин Хива хони воситасида, кейин Туркия ҳукумати орқали Бухоро амирига таъсир этишга уринади. Аммо Бухоро амири томонидан талаб қилинган хужжат келавермагач, Стоддарт зиндонга ташланади. Бу хабарни эшитган капитан Конолли Бухорога жўнайди. Амир уни ҳам керакли хужжати йўқлиги учун ҳибсга олади. Икки инглиз зобити Бухоро зиндонида учрашадилар.

Англияда Стоддарт ва Конолли номи билан ташкил этилган махсус қўмита икки зобит тақдирини Бухоро, Хива ва Қўқонга юборди. Ана шу қўмита номидан 1844-йил 3-ноябрда олим, тадқиқотчи ҳамда саёҳатчи сифатида танилган, пихини ёрган жосус Иосиф Волф Истанбулга келди. Англиянинг бу ердаги элчиси С. Кенинг унга Бухоро сафари учун зарур хужжатларни тайёрлаб берди. Туркия султонининг Бухоро амири, Хива ва

Қўқон хонларига ёзилган мактублари Волфнинг Турк султони ҳомийлигида эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар вазифасини ўташи лозим эди. Ана шу ҳужжат ўша вақтда Туркия Россия истилосига қарши Англия билан ҳамкорликда ўзбек хонликларининг иттифоқини вужудга келтиришга интилангандан далолат беради. 1844-1845-йиллар давомида Бухорода иш олиб бурган И. Волф Лондонга Қўқондаги воқеалар, хонликларнинг ўзаро муносабатлари хусусида диққатга сазовор ахборотлар юбориб турди.

Англия Туркия билан ҳамкорликда Ўрта Осиё Давлатларининг ҳарбой иттифоқини вужудга келтиришга кўп урунди. Айниқса, Крим урушида (1853-1856) Англия Ўрта Осиё хонликларига, Афғонистон ва Эронга ўз одамларини юбориб, бу мамлакатларни Россияга қарши отлантириш ҳаракатларини кучайтирди. Аммо Туркия ҳам, Англия ҳам, Россия ҳуружига қарши ўзбек хонлари бирлигини вужудга келтиришни таъминлашнинг уйдасидан чиқа олмади. Чунки хонликлар ўртасида ўзаро нифоқ-низолар кучли бўлиб, уларнинг илдизи чуқур кетган эди. Бунинг устига, Россия дипломатияси Бухоро, Хива в Қўқон хонликларини бир-бирига қарши гиж-гижлаб, ўзининг иғвоғарона сиёсатини исчиллик билан юритар эди. Россия буй ўлда собит туриб, Тўрғай вилоятини 1846-йилнингкузига келиб, Сирдарёнинг Орол денгизига қуйиладиган еридаги Қозолини ишғол этди ва 1847-йилда Раим, 1848-йилда Казалинск истехкомларини қурди. Бу аҳвол Хивани ташвишга солди. Хон ўз норозилигини билдириб, элчиларини Петербургга жўнтди. Хива элчиларини рус амалдорлар бу истехкомлар савдони йўлга қўйиш ва чўлда тинчлик ўрнатиш учун қурилди, деб алдадилар. Хива хони бу истехкомларни йўқ қилишга ҳаракат қилди, лекин Сирдарё ва Оролбўйидаги қозоқлар рус истехкомларидаги қўшинларни йўқотиш хусусидаги Хива ҳукуматининг маслаҳатларига қулоқ солмадилар.

Хиванинг қозоқларни ўз таъсирига олиш борасидаги уринишлари Россияни ташвишга солиб, Оренбург генерал-губернаторини фаол ҳаракат қилишга ундади. У Оренбургнинг ҳарбий қисмида яшовчи ўзига тўбе қозоқ султони Боймуҳаммад Ойчувоқовга махсус буйруқ юбориб, Хива хони фойдасига ташвиқот ёритаётган қозоқ бийларига қарши кескин чоралар кўришни талаб қилди.

Россия ҳукумати 1841-йилда Хивага юборган капитан Никифоров зиммасидаги асосий вазифаларидан бири Россия тобелигидаги қозоқларга нисбатан хива таъсирини қирқиш эканлиги бежиз эмас эди. Россия ҳукумати ташқи ишлар вазирлигининг капитан Никифоров зиммасига юклаган вазифаси хива хонини рус кўшинлари томонидан Сирдарёнинг куйи қисмини ишғол қилиш масаласида бетараф туришга, Сирдарёнинг шимолидаги ерларнинг ва каспий денгизининг шарқий қирғоғини Россияга тўбе деб эътироф этишга, Россия қарамоғидаги қозоқларга хужум қилмаслик ҳамда уларнинг ички идора ишларига аралашмасликка кўндиришдан иборат эди. Хон капитан Никифоровга Россия билан Англия муносабатларига доир жиддий саволларбергани Хиванинг рус-инглиз рақобатидан яхши хабардорлигидан далолат беради. Хива хони рус элчиси талабларини рад этгани ҳам унинг Англия ва Россиянинг Ўрта Осиё масаласида ўзаро курашишдан фойдаланишга уринганлигини кўрсатади. Кўп ўтмай, капитан Никифоровнинг уддалай олмаган ишини давом эттириш подполковник Г. Данилевский зиммасига юлатилди. Унинг ташқи ишлар вазирлигидан олган кўрсатмасида хонни Россиянинг Хивага нисбатан Беғараз дўстлигига ишонтириш биринчи даражали вазифа сифатида қўйилган эди. Ўзбек хонликларидан фоолиш кўраётган Англиянинг таъсирини синдириш ниятида Россия Хива хони олдида қуйидаги икки талабни қўйди:

бундан кейин хоҳ махфий, хоҳ ошкора суратда Россияга қарши ҳеч бир душманлик муносабатида бўлмаслик, саҳрода ёхуд Касбий денгизи

атрофида талончилик ва босқинчилик ишларини олиб бормаслик. Борди-ю Хива хонлигига тобе қабилалар томонидан талончилик ишлари содир этилса, айбдор кишиларга дархол жазо бериб, таланган молларни эгаларига қайтариш.

Г. Данилевский 1842-йил 27-декабрда Хива хони билан тузган шартномасида «Россияга тобе қочоқ ва исёнчиларни Хива худудида яширмасдан, уларни дархол рус чегар комиссарига топшириш» масаласи алоҳида ўрин олган эди.

Шунга қарамай, Россия Хивага нисбатан ғаразли ниятларини амалга оширишга қаратиган сиёсатини изчиллик билан давом эттирди. 1858-йилда полковник Н. Игнатов бошчилигидаги дипломатик гуруҳга топширилган вазифалар бунга яққол мисолдир. Бу гуруҳга берилган йўриқномада салтанатнинг асл мақсади рўй-рост ифодаланган:

Хива, Бухоро ва қозоқ чўллари ҳақида мумкин қадар кўпроқ маълумот йиғиш;

аввал олинган хариталарни текшириб, тузатиб чиқиш вас афар вақтида кундалик юритиш;

Амударёнинг Касбий денгизига қуйилган эски ўзани тўғрисида маълумот тўплаш;

Туркманлар ва уларнинг ҳарбий кучлари, қўшни давлатлар билан алоқалари, бир хонликдан иккинчи хонликка ўтиш йўллари ҳақида ҳамда Ўрта Осиё хонликлари ва уларга қўшни бўлган мамлакатларнинг ҳарбий қудрати ҳақида маълумот тўплаш;

Амударёни ҳар тарафлама ўрганиш.

Гуруҳнинг асосий мақсади жосуслик қилиш эканлигига полковник Игнатовнинг ўзи ҳам иқдор бўлган эди.

Ўзбек хонликларини забт этиш учун Россия аввал ўзининг Кавказда олиб бораётган истилочилик ҳаракатларини тугаллаши керак эди. Кавказда эса тоғликларнинг сардори имом Шомил мусулмон

истиклолчилари билан ҳамон русларга қарши партизанлик урушини давом эттирмоқда эди. Санкт-Петербург Кавказдаги рус қўшинлари фаоллигини кучайтириш учун ҳарбий-сиёсий доиралардаги нуфузли раҳбарлардан А.И.Варятинскийнинг бош қўмондонликка тайинлади. Жангарилиги билан танилган бу генерал подшога ёзган мактубларида Россиянинг Ўрта Осиёда ўз таъсир доирасини кенгайтириш зарурлигини алоҳида уқтирган эди.

Россиянинг урушқоқ доиралари Оренбург ва Сибир орасидаги ерларнинг «ҳимоясини кустаҳкамлаш учун» Ирғиз ва Турғай дарёларининг бўйида истехкомлар қуришни жадаллаштирдилар. Улар ўзбек хонликларини аста-секин босиб олиш учун, биринчи навбатда, Қўқон хонлигининг муҳим стратегик нуқталарини эгаллашга диққатни қаратди. Оқмачит қалъасига ҳужум шу тариқа бошланди. 1852-йилнинг 16-апрелида шижоатли лашкарбоши Ёқуббек раҳбарлигидаги Оқмачит қалъаси ҳимоячилри душманга қарши қаҳромона жанг қилиб, рус аскарларини Оренбургга чекинишга мажбур этишди. Шундан сўнг ўзбеклар билан бўлган жангларда катта тажриба тўплаган Оренбург генерал-губернатори граф В.Перовский 1853-йилда ташаббусни ўз қўлига олиб, яна ҳужумга тайёрланди. Перовский Оқмачит ҳимоячиларига мактуб йўллаб, таслим бўлишни таклиф қилди: «Гарчанд сизлар қалъа ичида турган бўлсаларингиз ҳам Оқмачит олинган деб ҳисоблайверманг. Мен шу ерда туибоқ барчангизни битта қўймай қириб ташлашим мумкин. Аммо, мен бундай қилмайман, чунки, биз бу ерга бир ёки икки кунга эмас, балки абадул-абад келдик, энди орқага қайтмаймиз». Қалъа муҳофизатчилари бу мактубга «биз бир томчи қон ва кўчадабир дона кесак қолгунча, ҳамма қуролимиз синиб битгунча қурашавермиз» - деб жавоб беришди.

Ёрдамчи кучлар олиб келиш учун кетган Ёқуббекни кечикишидан фойдаланган руслар йигирма икки кунлик қуршовдан сўнг муҳофизат аҳамияти жуда катта бўлган Оқмачит қалъасини забт этдилар.

Оқмачит ҳалокати ҳақида «Тарихи амири лашкар Алимқул» китобида шундай маълумот келтирилади: «Бу орада Уруссия аскарининг бир катта сардор бир мунча аскар ва тўб-тўбхона бирлан келиб, Оқмачитда Абдувалини (Қалъа ҳокими) муҳосара айлаб...муҳосарани каттиғ қилиб, қўрғон девориға нақб¹¹ кавлаб, дору тўқуб, ўт қўйиб қўрғонни йиқиб, раҳнадин аскар шаҳарға тўлуб кетди»¹².

Россия ўзбек хонлари ҳудудига дарвоза бўлган бу қалъани «Перовский форти» деб қайта номлаганида олисни кўзлаб иш тутган эди. Бу воқеа амалдорларини тегишли сабоқ бўлмади. Шу ҳусусда Муҳаммад Солиҳ Ташкандийнинг эътирофлари диққатга лойиқдир: «Қўқонда Оқмачит воқеасини седан чиқариб айш-ишрат, каю сафо, ўйин кулги ва парвосизликка берилиб, мамлакат ишидан кўз юмиб, Қозоғистондаги хирож, бож вазакотни ғайридин миллатларга топшириб, ҳукмронликни ғанимат билиб, ёмон одамларни, ўғриларни ва харом кишиларни тўплаб амалдор қилиб ва волий белгилаб, ҳар бир шаҳрга юбора бошладилар. Айрим жоҳил муллалар ва нодон улмолар сўзига ишониб, аҳоли шариатдан узоқлашиб, илмсиз жоҳилларни мансабдор қилиб, қози, раис, ҳоким, волий лавозимларига ўтказдилар. Порахўрлик ва харомилик ривожланди, ишни текширмай айтувҳилар сўзига амал қилиниб, порахўрлар, хушомадгўйлар ва умуман нобоб одамлар ҳоким ва мансабдор бўлдилар. Аксинча, доно, ақлли, фозил ва билимдон кишилар хўрланди ва оёқости қилинди. Кенгаш ва маслаҳат билан иш юритишга йўл бермади».

Амалдорларни бебошлиги ва ички сиёсатини юритишдаги адолацизликлар хонликни ҳалокат ёқасига келтириб қўйди. Воқеалар ривожини диққат билан кузатаётган Россия бундан ўзи учун тегишли ҳулоса чиқариб олди. Олд Сирдарёдаги қозоқларни идора қилувчи

¹¹ Нақб – ўра.

¹² Қаранг: Мулло Юнусжон Мунший. Амири лашкар Алимқул тарихи. Нашрга тайёрловчилар Р. Шамситдинов, П. Равшанов. Т.. 1997, 24-бет.

амалдорнинг Сирдарё линияси қўмондонига 1858-йил 31-майда йўллаган ахбороти ана шу жиҳатдан диққатга лойиқдир: «1858-йилнинг март ойида Тошкент ҳокими Мирза Аҳмад 3000 аскар билан Авлиёота истеҳкомига келиб қозоқ бийларини ҳам чорлаб, фақат куйлардан эмас, балки туялар, отлар ва қорамоллардан ҳам солиқ тўлашни талаб қилди. Илгари фақат кўйлардан солиқ олинарди, холос. Бийлар ўз овулларига бориб мазкур талабни халққа маълум қилганларида халқ уни бажаришдан бош тортди. Уларга қарши 100 ва 200 кишидан иборат алоҳида икки ҳарбий қисм юборилди. Улар эса зулмни янада кучайтириб турмушга чиқадиган ҳар бир келиндан бир тиллодан солиқ олишни жорий этдилар. Ёни бир пайтда улар одоб-ахлоқсизлик ҳам қилдилар. Зулм ва адолацизликдан сабр косаси тўлиб-тошган қозоқлар қўзғолон кўтариб Тошкент ҳокимининг укаси Мирзобий ва бошқа амалдорларни ўлдирдилар. Шундан кейин Олмаотадаги қозоқлар, жумладан, қанжиғаликлар, қўқланлар, қўтинчинлар, дуғлатлар, бистамчаликлар бош кўтариб қўқонликларни ўз истеҳкомларига чекинишга мажбур этдилар».

Маллахон даврида (1858-1862) ҳам ички низолар ва тожу тахт учун курашлар тўхтамади. Россия тажовузига қарши хонликда ягона ҳаракат ташкил қилиш эса ҳеч кимнинг қўлидан келмади.

1860-йилнинг ёзида полковник Симмерман бошчилигидаги рус аскарлари Тўқмоқ ва Пишпак қалъаларини босиб олдилар. Маҳаллий муаррихлардан мулла Мирзо Олим Мушриф ўзининг «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин» асарида Русларнинг Қўқон қалъаларини босиб олганлиги пойтахтда қандай акс-садо берганлиги ҳақида, бу вақтда руслар Пишпакка ҳужум қилганликлари тўғрисида хабар олингандан кейин, бир масжид тарафига бориб ероғ-аслаҳаларнинг барча турлари бўйича машқ ўтказилганини ёзган: «Бир куни Маллахон тўпчиларга, сарбозларга қаҳр-ғазаб билан машқбуюриб, тўпдан нишонга орттирди. Тўпчилар ҳарчанд жон-жаҳди билан оцалар-да, нишонга уролмадилар. Шу онда Қовус

додхоҳ тўпчининг бошини қилич билан бошини танасидан жудо қилдилар. Бундан барча халойиқнинг хуши кетиб, жонларидан умид уздилар. Ҳамма қўрқув ва ваҳимага тушдилар. Маллахон қҳр-ғазаби пасайганидан кейин ўз қароргоҳига кетди в эртаси Марғилонга жўнади». Хоннинг амри билан Шодмонхўжа в Олимбек Додхоҳ раҳбарлигидаги қарийб 20 минг кишилиқ лашқар русларга қарши юборилди.

Мулла Олим Маҳмудхўжа «Туркистон тарихи» асарида бу лашқарнинг Пишпак атрофидаги Бекат деган манзилд руслар билан қилган жангини қуйидагича тасвирлайди: «Мусилмонлар кофирларни ўраб олиб жанга шайландилр. Бу вақтда Олимбек ва Қноацқох қўшинлари ўртасида ким сардорлик қилиш масаласи хусусид келишмовчилик юзага келиб, Олимбек рақибига зарба бериш учун қўшини билан ўзини четга тортди. Бу билан у Ор-номуси ва жасоратини йўқотди. Тошкентликлар қурамалиқлар билан биргалиқда «тақдир» деган сўзни барилла жаранглатиб ўзларини душман ўқларига урдилар. Мазкур сатрларнинг муаллифи каминаи фақир эса «Кўп худоликларни ўлдиришлар!», «Эй худо, дин химоячиларини сақла!», деган хитоб сўзлари билан мусилмонларни рухлантириб турдим. Мусилмонлар ўзларини кофирларнинг ўқлар денгизига ташлаганда душмн замбаракларидан ва милтиқларидан шундай ўқлар отилдики, бамисоли осмону-фалақдан чақмоқ ва яшин ёққандек бўлди. Ҳатто қиёмат-қойим куни келгандай бўлиб, тўплар ва милтиқлардан отилган ўқларнинг овози фаришталарнинг қарнайлари товушига ўхшб кетди. Кўп жасортли ва қаҳрамон йигитлар мисли қўрилмаган азоб-уқубатлар шарбатини ичиб, ўзларини олов бағрига отдилар. Айрим қаҳрамонлар қилич билан кофирларнинг қалласини кесиб ташладилар. Жанг шу тарзда бир соатда давом этди. Пировардида, тинимсиз давом этгн ўқ ёмғирларининг дастидан қозоқлар ва талончи-қўчманчилар қочиб тоғнинг ичкари томонига бекиндилар. Қммо қўшинимиз кофирлардан юзларини ўгирмай эрталабдан пешингача

уришдилар. Ниҳоят, кофирлар Мусулмон ўқларидан заифлашиб тепаликлар орқасига кетдилар. Мусулмон қўшинининг кўп қисми Қаноацхох бошчилигида жанг майдонидан 9 чқирим нарига жойлашдилар. Қўшиннинг бошқа қисми кечқурунгача душманга ўқ узиб уни Кастаккача чекинишга мажбур қилди. Сўнгра улар ҳам Қаноацхох қўшинига қўшилдилар».

Бу жангдан сўнг Қўкон саркардаси Қаноацхох бузиб ташлннгн Пишпак қалъасини қайта тиклади. Аммо руслар хонлик худудида янги хуружларни зимдан тайёрлашда давом этдилар. Россия жосуслик хизмати вазиятни ўрганиш учун ҳаракатларини кучайтира бошлади. Энди Россия айғоқчилари Ўрта Осиёнинг ичкарисига сайёх, олим, савдогар ва элчилар ниқоби остида кириб кела бошладилар. Жосуслик йўсинда ахборот тўпловчилар орасид П. П. Семёнов – Тянь-Шанскийнинг номи алоҳида ажралиб туради.

Черняев шхрининг **Ҳакимхўжа қозикалон, Абдурахмон эшон, домулла Солихбек охун** сингари нуфузли кишилари билан музокара ўтказди, натижада икки томон ахдномага имзо чекди. Унга кўра, шаҳар аҳолисида ўз динида қолиши ва барча ишлар шарит асоида олиб борилиши кўрсатилди. Шунингдек, ҳовли, боғ ва майдонлар аввалгидек ўз эгалари қўлида қолдирилди. Черняев ўз ҳаракатларини ҳокимият олдида оқлаш учун Оқсоқоллардан гўё Тошкент Ихтиёрий равишда Рус қўшинига бўйсинганлиги ҳақида хат уюштириб беришини талаб қилди. Уни қуйидаги андозада ёзишни топширди: «Неча замонлар ва йиллардан бери Туркистонда Фарғона хонлари ҳукмронлик қилиб, фуқороларга жабр-зулм ўтказган. Улар закот, хирожларни шариат асосида олмасдан ортиқча олганлар. Хеч қачон марҳамат қилмаганлар, қадимги урф-одат таомилидан воз кечиб, кўп йиллар мансаб учун кўпгина кишиларни ўлдириб, фитначи ва ифвогарлар сўзига амал қилганлар. Ўртада ноҳақ қонлар тўкилиб, улар шариатга ва уламолар сўзига амал қилишдан бош

тортганлар. Фарғона ва Туркистон заминида кўп вақтлар ва кўпинча кипчоқ, қозоқ ва қирғиз авбошлари ва бебошлари ҳукмронлик қилиб келдилар. Шунинг учун фуқоро ва мамлакат тинчлиги мақсадида тамомила ихтиёримиз ва рағбатимиз билан рус аскарларини олиб келиб, уларга шаҳрни топширдик.»

Бундан кўриниб турибдики, Тошкентликлар бўлиб ўтган жанг ва дахшатли воқеаларни инкор этиб, аҳоли «ихтиёрий равишда чор аскарларига бўйсинганликларини» тан олишлари лозим эди.

Ушбу хат мазмуни баён этилгач, шаҳр катталари хайрон бўлишди. Черняевнинг кирдикорларини фош қилиб, Солиҳбек охун ғазаб билан бундай деди: «Бизлар воқеа ва ходисаларни бекитмасдан маълум қиламизки, Тошкентдан Оқмачитгача ва бу ердан Ғулжагача бўлган шаҳар ва қалъалар Тошкентга қарар эди. Бу жойларни рус аскарлари уруш ва талаш билан қўлга киритди. Уруш тўсатдан муҳлақиз ва сўзсиз олиб борилди. Тошкент шаҳри зулҳижжа ойининг ярмидан бошлаб сафар ойининг иккинчисигача, яъни 42 кун давомида сувсиз, овқациз қолдирилди. Мулла Алимкул лашкарбоши шаҳид бўлганидан кейин қўшин сардорсиз қолди. Бухоро ва Хоразм ҳамда Фарғоналиклар ёрдам бермадилар. Тошкент фуқороси ватани, дини учун қаттиқ туриб, урушни давом эттирди. Сешанба куни ярим кеча ўтгандан кейин шаҳрга яқин рус аскарлари хиёбон дарвозаси вақалъанинг девоир устидан ўтиб кирди.

Бу урушда кўп иморатлар, дўконлар ва уй-жойларга ўт тушиб, очтошна, сувсиз, яккама-якка уруш бўлиб, охирида ярашиш сулҳи тузилди.»

Мавжуд ҳақиқий аҳволни Черняевга дадил в тик боқиб айтган Солиҳбекнинг бу сўзи уни куттиртириб юборди. У ҳақиқий босқинчилик башраси билан боқиб: «Эй бек, ким билан тортишяпсан, қўл қўй хужжатга, акс ҳолда кунингни кўрсатиб қўяман!» деб ғазаб билан ўшқирди. Солиҳбек охун эса ажалим сенинг қўлингда бўлса, тайёрман, дея иймон-эътиқоди, халқ иродасига қарши бориб, сохта хужжатг имзо

чекмаслигини қатъий билдирди. Черняев Солиҳбекнинг сўзини ким маъқулласа, бир тараф бўлишини буюрди. Улар шаҳар катталаридан ети киши, жумладан Ҳалимбой, Бердибой, Азимбой, Фозилбачча мулла, Мирзаолим охун, мулла Музаффар хужа ва мулла Файзийлар эдилар. Домла тарафдорлари шу заҳоти чор аскарлари томонидан ўраб олиниб, камоққа жўнатилди ва Сибирга сургун қилинди. Икки йилдан кейин қахрли генерал Солиҳбек охун изидан уни заҳарлаб ўлдириш учун махсус одамлари жўнатди. Ватанпарвар Солиҳбек ва унинг сафдошларидан мана шундай қилиб хоинларча ўч олинган эди.

Черняев сохта ахдномани тўлдиришни Абдусаттор Қорабоши ўғли деган кишига топширади. Сўнгра шаҳар катталарининг барчасига мажбурий равишда қўл қўйдириб муҳр бостиради.

Тошкентда забт этган чор зобит ва солдтларига катта унвонлар, жангавор орденлар тақдим қилинади. Черняевга умрбод катта маош билан (ҳар йили 3000 сўм) нафақа тайинланиб, олтин қилич совға қилинади. У подшонинг ардоқли генералларидан бирига айланади. (ВИ.Рангли расмга қаранг.)

Сохта ахдномани ватан хоинлари Черняев буйруғи билан Санкт-Петербургга олиб кетишди. Уларга катта иззат икром кўрсатилди. Ўзининг разилона кирдикорларини шу тариқа ниқоблашга муваффақ бўлган Черняев бу мактубни Абу Сайид ва Ҳодихўжа исмли савдогарларга бериб, Петербургга элтишни ҳамда Оқ подшога топширишни буюрди. Бу мактуб туфайли босқинчилик сиёсати оқибатида Англиядек кучли давлат билан урушишга мажбур бўлиб қолишдан чўчиган Россия ҳукумати халқаро жамоатчилик кўз ўнгида ўз ҳатти-ҳаракатларини оқлашга уринди. Шунинг учун, бу мактубдан нусхалар кўчирилиб, 1865-йилда Россиянинг Туркиядаги элчиси қилиб тайинланган Н. Игнатев орқали Истанбулга жўнатилди.

Изоҳ: шуни таъкидлаш керакки, Санкт-Петербургга Солиҳбек охун бошчилигида ватанпарварлар тузган сулҳ матни эмас, генерал Черняев айтиб ёздирган, сотқин гуруҳлар қўл қўйган матн юборилган эди. Демак, бу мутлақо ҳуқуқий асосга эга бўлмаган сохта ҳужжатдир.

Шу тарика Тошкент рус чоризми қўлига ўтди. Бироқ 1866-йилга қадар шаҳрнинг ҳуқуқий мақоми нотайинлигича қолди. Уни қандай маъмурий йўл билан бошқариш нча баҳс, мунозарага сабаб бўлди. Генерал Черняев бу масалада қалтис йўл тутаётганлиги учун лавозимидан олиниб, Петербургга чақирилди.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент босиб олингач, Россия империясининг Туркистон масаласиг дахлдор барча ҳарбий-сиёсий масалаларни ҳал қиладиган, рус қароргоҳи хизматини бажарувчи маконга айлантирила бошлади. Тошкент Ўрта Осиёни мустамлакага айлантириш ҳукмларини ижро қилувчи таянч ҳарбий-сиёсий маъмурий марказ хизматини бажарди.

1.3. Қўқон хонлигига қарашли территорияларни руслар тамонидан босиб олиниши.

Россия босқинчилик юришининг бошланиши. 50-йиллардан бошлаб Россия чоризми Ўрта Осиёда миллий мустақил давлат Қўқон хонлигига қарши босқинчилик ҳаракатларини фаол ва дадил олиб борди. Бу ҳаракатлар бродан сари кенг миқийёсли урушга айланди. Россия олиб бродан бу уруш ўз моҳиятига кўра мутлақо адолациз босқинчилик ва мустамлакачилик уруши эди.

Қўқон хонлиги даҳшатли ёв билан яккама-якка кураш олиб борди. Ватаннинг барча мард ўғлонлари ўз она юрти, дини, ғурури учун курашга отландилар.

Босқинчи ёв замонавий курул – аслахага эга бўлиб, уларга Европа урушларида тажриба орттирган генерал раҳбарлик қилдилар. Улар босқинчиликда катта маҳоратга эга эдилар. Дастлаб Генерал Перовкийнинг қўшини 1853-йили шиддат билан қўқон хонлигининг стратегик қалъаси бўлган Оқмасжидни эгаллаш учун юриш бошлади. У қалъани 1852-йидаёқ олишга уринган, аммо мағлубиятга учраб, орқага қайтган эди. Бу сафар у қасос алами ва қўшимча куч билан қалъа томон йўналди. Оқмасжид қалъаси учун бўлган жанг оғир ва шиддатли бўлди. Босқинчилар қудратли 17-тўп, ракета мосламалари ва бошқа курулларини ишга солиб, жами 2850 кишилик атрадлари билан тинимсиз хужум қилиб турдилар. Замонавий курулларга эса бўлган қўшин хулумига қарши милтиқ, пилта милтиқ, қилич ва оддий куруллар билан курулланган 400 ватанпарвар ҳимоячи 20 кун давомида қалъани мудогаа қилди, ниҳоят босқинчилар қалъани эгаллади. Ўқмасжид ишғол қилинган кун, яни 28-июлда фақат 74-киши аср олинди. Уларнинг жуда кўпчилиги оғир ярадор бўлиб, курул ушлашга мадори қолмаган мудофаачилар эди. Босқинчилардан 19-киши ўлди, 66 солдат ва зобит ярадор бўлди. Оқмасжид мудофааси аждодларимизнинг жасурлиги ва қаҳрамонлигининг

бир саҳифасидир. Унда хотин-қизлар ҳам жанг ҳаракатларида катнашиб, ўз ерлари, оталари, ака-укалари билан ёнма-ён турдилар.

1860-йил ёзидан чоризм қўшинлари қўқон хонлиги ҳудудларида фаол ҳаракатларни қайтадан бошлаб юборди. Ўша йили чор полковниги Чиммерман қўмондонлигидаги отряд Пишпакка хужум қилиб, уни босиб олди.

1861-йил ҳарбий ҳаракатларни янада кучайтириш учун рус подшоҳи Александр II Қўқон хонлигига ўзини ўнглаб ололмайдиган даражада зарбалар бериш масаласини юқори ҳарбий ва сарой амалдорларининг бирлаштирилган кенгашида кўриб чиқади. (В. рангли расмга қаранг.) Ана шундан кейин бу масала доимий подшоҳ назоратида бўлди ва у ҳарбий ҳаракатларни диққат билан кузатиб борди. Туркистонни босиб олиш учун янгидан-янги кучлар сафарбар этила бошланди. Натижада Қўқон хонлигига қаршли Ўқсув, Пиштепа, Чолдевор каби қалъалар бирин-кетин босиб олинди.

Ана шу воқеаларни маҳаллий ўлкашунос таърихчиларимиздан Ишқон Тўра ўзининг «Таърихи Фарғона» асарида шундай ёритди: «1281 хижрийда Туркистон ва Авлиё ота Россия тасарруфига ўтди, андин Чимкандға қасдайдигани Амирлашкарға эшитилди. Ҳуқанд аскарлари билоан қиш вақтида Чимкандға келди, унда Россия аскарлари Туркистондан чиққани йўқ экан... Амирлашкар Туркистонганга бориб, уриш қилмоқчи бўлиб қўқонга борди. Туркистондан Россия аскарлари чиқди. Ул вақтда Сартияларнинг уруши Россияга ҳеч писанд бўлмай, аҳамият бор оз солдат ила урушга кирди.»

1864-йил 1-май куни Верний истеҳкомидан йўлга чиққан полковник Черняевнинг отряди хонлик қўшинлари билан тинимсиз жанг қилиб Авлиё ота қалъасида етиб келди. Авлиё ота қаттиқ жангдан кейин босиб олинди.

Туркистон ва Чимкент шаҳрлари Қўқон хонлигининг муҳим ва таянч шаҳарларидан эди. Шу боис душман ушбу икки муҳим шаҳарга шиддат билан зарба беришга киришди. Туркистон ва Чимкентни қўлда сақлаб қолмоқ учун истедодли ва ватанпарвар саркарда Алимқул етиб келди, шаҳар мудофаасини ташкил қилишга киришди.

Полковник Верёвкин, агар Туркистон шаҳар аҳолиси таслим бўлмаса ёпписига тўпга тутилиб кириб ташланажagini билдирди. Бутун Туркистоннинг машҳур «шайхул машойих»и бўлган Хўжа Аҳмад Яссавий шарафига Амир Темур қурдирган таърихий мақбарани ҳам яксон қилишини улитиматум тарзида қўйди. Натижада Алимқул ўз қўшинини Туркистон шаҳридан олиб чиқиб Чимкент муҳорабасига тайёргарликни бошлади. 1864-йил 12-июлда Туркистон босиб олинди. Верёвкин Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасидаги ноёб таърихий осори-атиқаларни талон-тарож қилиб Россияга жўнатиб юборди.

Сўнгра чоризм армиясининг зарбдор кучлари қўқон хонлигининг муҳим стратегис қалъаси бўлган Чимкентга йўл олди. Унга генерал Черняев қўмондонлик қилди. Алимқул бошчилигидаги сарбозлар чор қўшинларининг дастлабки хужумини тўхтатдигина эмас, балки зарба ҳам бердилар. Черняев сафдоши Варёвкиндан ёрдам сўради. У Черняевга капитан меер бошчилигидаги отрядни жўнатди. Бу атраднинг келиши ҳам вазиятни ўзгартира олмади.

Генерал Черняев Алимқул зарбасидан аламзада бўлиб, кузгача ўз кучларини тўплаб, катта хужумга тайёргарлик кўра бошлади. Ватанфурушларга пул ва мукофотларни аямай сарф қилди. Ниҳоят 1864-йил сентябр ойининг бошарида энг дахшатли жанглардан бири Чимкент остонасида бошланиб кетди. Туркистон томонидан қилинган хужумга генерал Черняевнинг ўзи, Авлиё ота томонидан қилинган хужумга эса подполковник Лерхе бошчилик қилди. Шаҳар узоқ вақт аёвсиз тўпга тутилди. Чимкент вайронага айлантирилгач, пиёдалар хужумга ўтди.

Жуда кўп талофат кўришга қарамай, Алимқул бошчилигидаги мудофаачилар мардонаворлик билан ҳужумларни қайтарарди. Аммо ҳарбий-техник устунлик ёв томондалиги учун ватанпарварлар сони тобора камайиб борди.

Аёвсиз қирғинлар билан Чимкент шаҳрига 22-сентябрда ёриб кирдилар. Шаҳар олингач, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган талонтароажлик юз берди. Шаҳар томомила ҳаробага айланди, халқнинг ғурури топталди. Душманнинг ёвузлиги милсиз бўлди. Чимкент аҳлига энг кўп қирон келтирган солдат ва зобитларнинг кўпчилиги Россиянинг оилӣ даражали орден ва мукофатларига сазовор бўлдилар.

Россия қўшинлари бирин-кетин Қўқон хонлигининг қалъа ва шаҳарларини босиб олишга киришди. Ниҳоят, Чимкент қўлга киритилгач, энди хонликнинг энг мустаҳкам, шунингдек, йирик иқтисодий-сиёсий ва маданий марказларидан бўлган Тошкент душман йўлида тўсиқ бўлиб турар эди. Тошкентнинг Қўқон хонлиги таркибида қолиш-қолмаслиги, ёхуд қўлдан чиқиб кетиши хонликнинг тақдирига катта таъсир қилиши табиий ҳол эди. Негаки, бу шаҳар стратегик қулай ерда жойлашган бўлиб, даставвал хонликнинг сиёсий ҳаётида катта ўрин тутар, савдода эса халқаро майдонга чиқадиган кенг имкониятлар билан эди. Шунинг учун Ўрта Осиёнинг «юраги» ҳисобланмиш бу шаҳарни забт этиш Россиянинг асосий мақсадига айланди.

Ҳужум арафасида Тошкентнинг умумий ҳолати қуйидагича эди. Шаҳар атрофи 25 – чақирим узунликдаги девор билан ўраб олинган бўлиб, деворнинг баландлиги 5 метр, баъзи жоялари 7 метрни ташкил қилган. Тепасининг кенглиги эса 2 метр, ички тарафдан очик, ташқи томондан ўралатиб пахсадан қилинган мудофаа минорачалари бўлиб, душманга ўқ узадиган маҳсус шинақлар қўйилган. Унда кеча-кундуз сарбозлар кўрикчилик қилган. Шаҳар деворларининг 12 жойида мустаҳкам дарвозалар ўрнатилиб, кечқурунлари бекитилган. Улар Қўқон, Қашқар,

Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Соғбон, Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешоғоч ва Қаймос номлари билан аталар эди. Шаҳар девоир атрофи сув тўлдирилган зовур билан ўраглан. Уни кечиб ўтиш ҳар қандай душманга осон бўлмаган.

Шаҳар ичида 10 минг сарбоз сиғадиган қалъа, унинг ўртасида шаҳар ҳокими саройи бўлган. У Қўқон ўрдаси деган ном олган. Шаҳар тўртга: Шайх Хаванди Тохур, Себзор, Бешоғоч ва Кокча даҳаларига бўлиниб, уларга кўп сонли маҳаллалар бўйсинар эди. Шайх Хованди Тохур даҳасининг ўзидагина 48-маҳаллада ранг-баранг ҳунаремандчилик устахоналари ишлаб турган. Шаҳарда 189 масжид, 10 мадраса мавжуд бўлган. Шаҳар аҳоли нуфузи 200 кишини ташкил қилган.

Россия ҳукумати «Тошкент масаласи»ни 1863-йилнинг 9 мартда рус императори қатнашувида махсус кенгашда муҳокама этди. Кенгаш қарорига кўра Ғарбий Сибир генерал губернатори Дюгаэлга уни ҳарбий ва жосуслик нуқтаи назардан ўрганиш топширилди. У Тошкентни босиб олиш билан боғлиқ Режаларини ўз ҳукуматига тақдим қилди.

Мансаб ва унвонларга ҳаддан ташқари уч, ўта шовинист Генерал Черняев Тошкентни забт этишга ғоят иштиёқманд эди. Шунинг учун Чимкентни эгаллаши биланок, сал ўтар-ўтмас, Тошкент сари отланди. Бу вақтда унинг қўшинида 8 рота аскар, 100 нафар казак, 12 та замонавий замбарак, 1500 ўрис солдати, 400 қозоқ отлиқ кўнгиллиларидан, яъни русларга сотилган гуруҳлардан эди.

1864- йилнинг 2 октябрида генерал Черняев қўшини биринчи хужумни бошлади. Жанг икки томондан тўплардан ўқ узушлари Генерал Черняев ўқлардан шаҳарни қаттиқ тўпга туттириб унинг паноҳида ўз аскарларига зоурдан кечиб ўтишга буйруқ берди. Подполковник Обух ва Лерхе кўмондонлигидаги рус қўшини зовурдан кечиб ўтаётганида тошкентнинг ҳимоячилари уларга қарши хужумга ташланадилар. Жанг жуда шиддатли тус олади. 72 рус солдати ўлдирилади, кўпчилиги

яраланади. Жангда рус аскарларининг талофатини рус муаллифларидан бири шундай тасвирлайди: «шаҳар деворига 2рота ва 4 забмаракдан иборат ҳарбий қисм подполковник Обух қўмондонлигида ҳужум қилди. Кўп ўтмай улар деворни тешишга эришдилар. Шундан кейин ҳал қилувчи ҳужум бошлаб юборилди. Аммо Тошкентликлар шу даражада ўқга тутдиларки, солдатлар деворга етгунча барча бошлиқлардан айрилдилар. Обух улар ҳолатда жароҳатланди. Черняев ёрдамга келган бўлса-да, лекин вақт ўтган эди, йўлда ўликлар ётарди, ярадорлар жон бермоқда эди. Тириклар эса, зовурда қалашиб мадорсиз ётарди.»

Бу генерал Черняевнинг катта мағлубияти бўлди. У Чимкентга катта йўқотиш билан қайтиб кетишга мажбур бўлди. Биринчи ғалабани Тошкентлилар катта шодийна билан нишонладилар.

Генерал Черняев 1864-1865 йил қишини катта тайёргарлик кўриш билан ўтказди. У шу давр ичида биринчи мағлубиятнинг ўйини олиш хисси билан ёнди.

Ниҳоят, 1865-йил 9 май куни ҳар икки томон кучлари тўқнашди. Рус қўшинлари босар-тусарини билмай, кенг ва чуқур Салор ариғидан ўтиб шаҳарга яқинлашиб келадилар ва 15-июнда шаҳарни деярли эгаллаб олишди, бироқ қаршилиқ давом этарди. Ниҳоят, Тошкентликлар бу уруш катта вайронагарчилик ва қурбонлар беришга айланиб кетаётганлиги ҳамда вазиятни ўнглаб бўлмасликни назарда тутиб, музокара бошлашга мажбур бўлдилар. 1865-йил 17-июнда музокаралар бошланди. Ўқ отиш тўхтатиладиган бўлди.

II-боб. Туркистон халқларининг эрк ва озодлик учун курашлари

2.1.XIXаср охирларидаги халқимизнинг озодлик учун курашлари.

Туркистонда Чоризмнинг сиёсий ва иқтисодий зулмига қарши ҳаракатлар XIX асрнинг 70-йилларидан бошланди. 1879-йилда 600 нафарга яқин оломон Фарғона вилоят бошқармаси биносини қуршаб олиб, ҳарбий губернатордан Марғилон туманидан олинаётган солиқларни камайтиришни талаб қилди. Ўшанда вилоят ҳарбий губарнатори бевосита қуролли куч ишлатишдан чўчиган. Чунки 1875-1876-йилларда айти шу вилоятда бошланган Пўлатхон бошчилигидаги қўзғолон ҳамда Мингтепадаги 1871-йилги етимхон бошчилигидаги ғалоён русларни чинакамига ташвишга слоган солгани чиқмаган эди. Оломоннинг авзойи бузуқлигини англаган ҳарбий губернатор бўлажак катта жанжалнинг олдини олиш мақсадида халққа ён босиб, уларнинг талабларини ўрганиб чиқишга ваъда берди. Шу мақсадда хайъат тузилиб, иш бошланган. Хайъат тўплаган маълумотлар вилоятда пахта майдонининг кенгайиб кетгани, натижада яшаш учун зарур бўлган бошқа экинлар майдони кескин камайганини кўрсатади. Оқибатда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи 2,5 баробар кўтарилиб, чайқовчилик кучайган. Андижон, Марғилон, Наманган, Ўш, Янги Марғилон, Қўқон туманларини ўз ичига олган Фарғона водийсида 88 минг 858 таноб ерни эгаллаган пахта бошқа экинларни сиқиб чиқарган. «Ерли аҳоли рус ҳарбий кучи панохида, барча рус фуқоролари ҳуқуқларидан тенгфойдаланган ҳолда, ўз фаровонлигини оширмоқда, - деб ёзган эди генерал-губернатор. Шу билан бирга у ҳеч қандай асоссиз рус фуқоролиги берадиган катта имтиёзлардан ҳам фойдаланмоқда. Шунинг учун ҳам ҳарбий солиқнинг жорий этилиши ҳақга оғир ботмаган ҳолда давлат ҳазинасига йўлига айрим миллиён рубл даромад келтиради.»¹³

¹³ Қаранг. Туркистон мустамлака ҳукмронлиги даврида. Тошкент2000. 342-бет

Мустамлакачилар сардори пахтачилик салмоғининг тобора ошиб бораётганини кайд этиб, 1887-йилда 200 000 пудни ташкил қилгани, «Америка» навли пахта етиштириш 1895-йилга келиб 500 000 пудга етгани, яъни Россия саноати истемол қиладиган толанинг учдан бир қисмини ташкил қилганини ёзган.¹⁴

Чор амалдорларининг раҳмсиз жазолари ҳам эрксевар Фарғона халқини Чўчита олмади. 1885-йилнинг ёзида мустамлакачи амалдорларнинг таҳликага слоган катта халқ ҳаракати бошланди. Андижон. Ўш ва Марғилон туманларида кўзғолончи гуруҳлар пайдо бўлди. Улар асосан маъмурият вакилларига ҳужм қилдилар. Андижонда икки мингбоши улар тарафдан асир олиниб, бири қаршилик кўрсатгани учун ўлдирилди. Кўзғолончиларга мулкдор табақага мансуб Дарвишхон тўра раҳбарлик қилди. У русларга қарши ялпи кўзғолон кўтариш мақсадида кичик гуруҳларни катта бир кўшинга бирлаштиришга уринди. Дарвишхонтўранинг яқин ёрдамчиси Мўминбой ана шу мақсадга қисман эришиб, Фарғонадаги кўзғолончи гуруҳлардан каттагина лашкар тузишга мувоффақ бўлди. Фарғона ҳарбий губернатори уларга қарши жазо экспедициясини жўнатди. Кўзғолончилар яхши қуролланган мунтазам рус кўшинларидан енгилган бўлсалар-да, батамом таслим бўлмай, қаишлоқларга тарқаб кетдилар. Мўминбой аср олиниб, дорга осилди. Жазо экспедицияси қишлоқма-қишлоқ юриб, кўзғолончиларни қидирди. Руслар кўплаб деҳқонларни қамади, лекин Дарвишхон тўрани топа олишмади. Рус амалдорларига ҳужум қилиш ҳоллари эса тўхтамади. Мустамлака маъмурияти вакиллариининг ҳисоб китобига кўра, 1885-йилдан 1892-йилга қадар Фарғона вилоятида ддеҳқонларнинг сиёсий тустаги 205 марта чиқиши қайд этилган.

¹⁴ Ўша китоб, 342-бет

Рус амалдорлари маҳаллавий ҳалқнинг мустамлакачилардан ўч олишини «талончилик», «қароқчилик» дея баҳолаб, қўзғолонларнинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини ҳаспушлашга уринишди.

1891-йилнинг 18 августида Наманган туманининг Чандавур қишлоғида маҳаллий судхўр Муҳаммад Жалил Воришўжаевнинг уйини нўмалум кишилар ўраб олиб, ундан адолат талаб қилишган. Қуролланган деҳқонлар инсофсиз судхўрнинг сандиғидадан 87600 рубл топишган ва уни мазлумлар фойдасига мусодара қилишган. 1892-йил 18 февралда эса Қўқон туманидаги маҳаллий бойлардан мулла Муҳаммад Ражаб Ҳакимбоевнинг уйига ҳам номаълум қуролли кишилар ҳужум қилишган. Мингбоши Мирзокул Султонбоевга ҳам ана шундай кишилар ҳужум қилиб, уни ўлдиришган. Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси махсус бўлимининг Махфий ахборотида 1887-1898-йиллар мобайнида Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё ана шундай «қароқчилик босқинларидан 668таси қайт этилган.»¹⁵

Андижон яқинидаги Қўқонқишлоқ воситасида 1893 йил 13 феввалида рўй берган воқеа рус маъмурларини ғоят таҳликага солади. Пристав Шаригин мингбоши сайловини ўтказиш учун Қашқарқишлоққа келганида ҳалқ элликбошилар ва мингбоши номзодларини қайта кўриб чиқиб, адолатли сайлов ўтказишни талаб қилади. Рад жавобидан сўнг оломон ҳаракатга келиб, пристав ва унинг одамларига ташланади. Рус зобити ва унинг миршаблари казаклар ёрдамга келгунча калтакланади. Ҳалқ вакилларида уч киши ҳибсга илиниб, Андижон турмасига жўнатилади, лекин йўлда одамлар миршабларга ҳужум қилиб маҳбусларни озод қиладилар. Пристав Шаригин қўйдек юввош деб ҳисоблаб келган ўзбек деҳқонларини энди танимай қолади ва ваҳимага тушиб, ўз жонини сақлаш учун қочиб қолади. Ротмистр Шаригннинг кийим ва анжомлари қўзғолончилар қўлида қолиб кетади Шаригн

¹⁵ Туркистон мустамлака ҳукмронлиги даврида. Тошкент. 2000-йил, 344-бет.

кўркқанидан тўғри йўл қолиб, Ойим волости орқали 60 чақирим йўл босиб андижонга етиб келади. Туманбоши подполковник Бянов, туман судяси Никифоров Воқеа юз берган жойга бориб вазиятни ўрганадилар, гувоҳларни чақириб сўроқ қилишадилар. Келиштирувчи судя Никифоров ўз бошчилиғига берган ахборотида пристав ротмистр Шаригннинг «кутирган оломон ўртасидаги ахволи чиндан ҳам хавфли бўлганини» айтади. Ўша куни Қўқонқишлоқда бўлган воқеалар Ўзган, Ойим волостларида ҳам акс садо бериб, омончура, Моси қишлоқларида ҳам одамлар кўтарилгани ва сайловлар қолиб, очикдан-очик ғалоён тусини ола бошлагани маълум бўлади.

1896-йилда Наманган туманининг Оқчи-Шаҳрихон волостидаги Найманча, Кўхна мазор, Лангарбобо қишлоқларида мингбоши сайловида ҳам кучли норозилик ошқора ғалаёнга айлана бошлаган. Халққа зулм ўтказган порахўр мингбоши Эшмуҳаммаднинг яна лавозимига сайланганидан норози бўлган кишилар туманбоши ёрдамчиси ротмистр Бушендан адолат тилашади, лекин унинг рад жавоби ва дағдағасидан ғазабланиб, уларга қарши кўтариладилар. Порахўр элликбошиларни дўппослаш бошланганда Бушен «ғаламислардан бири» Шербой Исматуллаевни миршаблар ёрдамида хибсга олади. Оқсоқол Эшонкул Ҳолмуҳаммедовга уни тезда Наманган турмасига элтишга буйруқ беади. Оқсоқол маҳбусни масжид ҳовлисида олиб чиқаётганда у тўсатдан оқсоқолга мушт уриб қочади. Саросимада қолган оқсоқол ўзига келар-келмас ғазабнок одамлар уни қуршаб олишади. Шу вақтда масжидга икки мингдан ортиқ деҳқонлар келиб, элликбоши, оқсоқол, қози ва миршабларни дўппослаб кетишади. Оломон мингбошилиikka номзод йўлдош саркор яширинган масжид хужраси эшигини синдиради. Лекин у маҳаллий қози Тошхўжа ёрдамида мўри тепасидан томга чиқиб, қосжиб, бошлиғига воқеани хабар қилади. Кўрқиб кетган туманбоши шахсан

Кўхна мозорга келиб, халққа адолат қилишга ваъда беради.¹⁶ 1892-йилнинг ёзида Туркистон маркази Тошкентда ҳам рус мустамлакачиларини талвасага слоган ва тарихга «Бобо исёни» ёки «Тошотар воқеаси» сифатида кирган қўзғолон бошланди.¹⁷ Расмий доиралар бу қўзғолон вабога қарши рус амалдорлари қўллаган тадбирлардан норозилик туфайли келиб чиққан, деб изоҳлашга уриндилар. Шунинг учун ҳам уни «Бобо исёни» деб номлашди. Шунчаки караганда, чиндан ҳам шундай бўлган. 1892-йил май ойида Жиззахда вабо билан оғриган кишилар ҳақидаги хабар бутун ўлкага тарқалди ва Сирдарё вилоятига ўтадиган кечув олдида эҳтиёт юзасидан кузатиш бекати ташкил этилган ёки жазоланган. Аҳоли турмуш тарзининг оғирлашиши, кам овқат еб, тоза сув ичмаслиги, кескин иссиқда ишлаш ва санитария қоидаларига риоя қилмаслик сабабли Тошкентда, Фарғона ва Туркистоннинг бошқа ҳудудларида вабо касаллиги авж олди. Русларнинг маҳалий аҳолига қилган муомиласи туфайли кўпгина шаҳар ва қишлоқларда аҳолининг ёппасига кирилиш ҳоллари юз берди. Губернаторлик буйруғига кўра, мурдалар ювиш ва ҳатто кўмиш ҳам таъқиқланди.

Вабо касаллиги Фарғонада ҳам тарқалиб, 10,277 киши вафот этган. Ўлка бўйича ўлганлар сони 11,879 кишини ташкил қилган. Чор ҳукумати вабонинг олдини олиш чорасини кўрмади, асосий дори-дармонлар русларни сақлаб қолиш учунгина ишлатилар эди. Маҳалий гуқороларга эса номигагина қараб қўйишарди, ҳолос.¹⁸

Пахтачиликнинг ривожланиши, ўлканинг хом ашё манбайи ва тайёр маҳсулотлар бозорига ўтиши айниқса, Фарғона вилоятидаги аҳолини оғир ахволга солиб қўйди, ўлкада руслар томонидан очиқ зўравонлик бошланди. Руслар чиқарган фармонлар асосан меҳнат қилувчи табақага

¹⁶ Ўша китоб, 347-бет.

¹⁷ Мазкур воқеа тафсилоти ҳақида энг сўнги маълумотлар Ҳамид Зиёевнинг «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш» ҳамда Ш. Каримов, Р.Шамситдиновнинг «Туркистон Русия босқини даврида» китобида келтирилган.

¹⁸ Х.Зияев. «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш». Т., 1998-йило, 382 бет

киритилган эди. Маҳаллий русларга хизмат қилувчи амалдорлар солиқдан ва бошқа мажбуриятлардан озод ҳисобланарди.

Рус ҳукумати биринчи навбатда дин ислохатларида дин пешволарини энг ҳавфли душман ҳисоблаб, уларни имкон борица чегаралашга ҳаракат қиларди. Руслар қозилик ва оқсоқоллик мансабидаги кишиларни ҳам «гаҳ деса қўлга қўнадиган» ҳолда ушлаш учун уларни арзимаган бахоналар билан жазолаш йўлига ўтиб олдилар. Масалан, вабо касаллиги муносабати билан 25 та қози ва муфтилар эски қабристонни бузмаслик учун ариза ёзганларида уларни лавозимларидан четлатиш чоралари кўрилди.¹⁹

Ҳарбий губернатор А.А.Абрамов кўзғолон кўтарилишидан кўрқиб, «агар тартибсизликлар рўй барса, у вақтда қозилар Сибирга сургун қилинади» деб кўрқитганлар.

Агар дин пешволари шикоят қилсалар ёки халқни тўпласалар, унда мадраса ва масжидлар батамом ёпилишини, вакф ерлар бутунлай давлат ихтиёрига ўтказилишини билдирадилар. Қозиларнинг шикояти туфайли 10 га яқин қози Сибирга юбориш рўйхатига киритилди.,бундан норози бўлган аҳолининг ҳолатини кўрган губернатор 8 тасини сургундан озод қилди ва элликбошиларга озодлик ваъда берилди. Айниқса, хонлик вақтида мансаб ва имтиёзларга эга бўлган, лекин руслар келганидан сўнг улардан маҳрум этилган кишилар чор ҳукуматига қарши турган эдилар. Губернатор А. Вревскийнинг айтишича, қозилар осойишталик пайтида жим туришга ва солиқлар солинганда аҳолини йиғиш учун тайёр турганлар.

Шундай қилиб мустамлакачилик сиёсати бир томондан халқ ҳаётининг оғирлашишига, иккинчидан, маҳаллий юқори табақа вакилларининг манфаатларига зарба беришга олиб келди. Бу ҳасм халққа,

¹⁹ Ўша китоб. 384-бет

ҳам юқори табақа вакилларининг илғор қисмига ҳам умумий душман – чор мустамлакачилик тартибларига қарши бирлашишига замин ҳозирлади.

2.2. Андижон қўзғолони (1898йил) ва унинг таърихий аҳамияти.

Тарихга «Дукчи эшон қўзғолони» номи билан кирган Андижон қўзғолони XIX аср охиридаги халқ ҳаракатларининг энг катталаридандир. У Муҳаммад Али эшон (1846-1898) номи билан машхур.

Муҳаммад Али Марғилон шаҳрига қарашли Шахидон қишлоғида ўртаҳол деҳқон ва хунарманд Муҳаммад Собир оиласида дунёга келган. Отаси уни болалигида Бухорога олиб бориб, Усмонга охунд домла мактабини берган. Муҳаммад Али 16 ёшга тўлганида Самарқанд яқинидаги Каррух қишлоғида мўлла Усмон охунд судур эшон хизматига берилди. Тўрт йилдан сўнг бутун Водийга танилган обрўли уламо Султонхон тўра эшон хизматига киради.

Муҳаммад Али ўзининг одамухон, камбағалпарварлиги ва кўнгли очиклиги ҳамда чуқур мулоҳазакорлиги билан устози эътиборини қозонади. У Аравондан Асакага ва Асакадан Ўшаг ўтадиган йўлда қатнайдиган карвон ва йўловчилар учун хайрли иш қилади. Шаҳрихонсойнинг тепасида Аравон билан Асака ўртасидаги карвон йўли ёнида жойлашган баланд сувсиз ерда жой қилиб, Шаҳрихонсойдан кўзаларда сув ташиб келиб катта йўл ёқасига ўрнатилган хумларни тўлдиради. Шаҳрихонсойнинг 40-50 саржинлик баланд қирғоқликда Муҳаммад Али боғ барпо қилади. Унинг меҳнати билан ўсган дарахтлар соясида сув тўла хумлар йўловчилар чанқоғини қондиради. Бу иш унга обрў келтириб, номини одамлар оғзига туширади. 1882-йилда Султонхон тўра Эшон агар қазою қадар эца, ўрнига Муҳаммад Али пир бўлишини эълон қилгани бежиз эмасди. Муҳаммад Али 1887-1893-йилларда Маккаю Мадинага бориб ҳаж қилади, Ҳиндистон ва Россия шаҳарларида бўлиб қайтади. Муҳлислари Мингтепа қишлоғидан унга мос ховли-жой олиб боришади. Эшоннинг яхши фел-атвори, камтарона турмуш тарси, бой хаётий тажрибаси ва кенг дунёқараши унинг муҳлислари сонини тобора ошириб борди. Мингтепа тезда кўпларнинг қутлуғ зиёратгоҳига айланди.

Ўша йиллари Мингтепа 4500 хонадонлик ўртача бир қишлоқ бўлиб, унда 1200 нафарга яқин ўзбек, тожик ва қирғизлар истиқомат қилган. Улар деҳқончилик ҳамда ҳунармандчилик билан шуғулланганлар. Эшон ҳам кўплар қатори отасидан қолган ҳунар – йигчилик билан машғул бўлган. Бекор вақтларида муридлари олиб келиб берган ёғочни тарашлаб, йиг қилиб, муридларига бир-иккисини совға қилади. Муридлар эса йиг билан ип эшсалар, бири минг бўлганидек хаёл қилишган. Агар йиг билан йигирилган ипдан тўн тикилган бўлса, табаррук қилиб қариялар тобутларининг устига ёпмоқ учун олиб қўйишган. Замондошларининг ҳикоя қилишларича, Муҳаммад Али ўрта бўйли, чўкки соқолли, камсухан, кулиб турувчи, овози майин бир киши бўлган. У ҳамма вақт бўз қўйлак ва иштон билан малла тўн кийиб юрган. Бошига кичик салла ва қулоҳ қўйиб, бўз маҳси-ковуш кийган. Муҳаммад Али зиёрат учун келганларга, ҳатто мўрид ва муҳлисларига ҳам, ўзи дастурхон ёзган, нон-ош қўйган. 1890-йилларга келиб эшоннинг зиёратчилари ниҳоят кўпайиб кетгач, муридлари унга 500 от сиғадиган отхона қуриб беришади²⁰, хом ғиштли 12 газли минорасини 34 газли кўтариб, пишиқ ғишдан ишлаб беришади.²¹

Муҳаммад Али чекланган, шариат ақидаларидан ўзгани тан олмайдиган. Рўхонийларга қарама-қарши ўлароқ, давр талаб эҳтиёжларини англаб етган пешқадам уламо бўлиб, ўз олдига аниқ мақсад қўйган эди. У ана шу мақсад йўлида барча воситаларни, ҳатто турли сеҳр ва «қаромат»ларни ҳам ишга солганки, натижада унинг муридлари сафига деҳқон, чорвадор, ҳунармандлардан ташқари, мулкдор табақалар, ҳатто маҳаллий маъмурият вакиллари ҳам қўшилган. Эшон зиёратчиларнинг кўз олдига ўт-олов ёқмай қозон қайнатган. Аслида эса бу ишни табиий девор ичидан ўтказилган махсус қувурлар орқали келадиган иссиқлик бажарган. Бу ишларда муҳандисликдан ва Европа фан-техникаси ютуқларидан хабардорлиги, чет элларда бўлиб, кўп нарса ўрганганлиги ҳам қўл келган.

²⁰ Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи Эшон воқеаси, 9-бет.

²¹ Ўша аср. 12-13-бетлар.

Эшоннинг орзу –эътибори қандай кўтарилиб кетганини «минора воқеаси» яққол кўрсатади. Ҳом ғиштан тикланган минорани 34 газ кўтарганларидан сўнг бир қнча вақат ўтгач, у болалар ўқийдиган мактаб томон оғади. Буни кўрган хушёр одамлар минорани бузиб, қайта қуриш ҳақида гапирганларида жоҳил сўфилар «ҳазрат эшоннинг кароматлари билан бўлган нарса йиқилмайди, қиёматгача шу ҳолда туради», - дейишади. Мактабни бошқа тарафга кўчиришга ҳам кўнишмайди. Миноранинг мактаб томон қулаши арафасида ҳам жоҳил сўфилар бу миноранинг хом ғишт устига қурулганини бир каромат, шунча ёрилиб, бир тарафга оғиб йиқилмаганини иккинчи каромат деб ҳисоблашган. 1896-йилда минора қулаб, мактабнинг ярмини босиб қолиши натижасида сўфи ва 23 бола ҳалок бўлди, 15 бола жароҳат олади. Аммо бу воқеани овоза қилмай дарҳол, бости-бости қилишиб, ўлган болаларнинг ота-оналарини овутишади. Воқеани текширишга келган пристав ва шифокорнинг эшонга даъво қилмай «уч киши ўлганлиги» ҳақида ҳужжат расмийлаштириб кетишгани ҳам маъмуриятнинг Муҳаммад Али обрў - эътибори билан ҳисоблашишга мажбур бўлганлигидан далолат беради. Полиция бошлиғИ Эшонни суд жавобгарлигига тортади ва намоишкорона таҳқир ила шаҳарга чақиртиради. Аммо Марғилондаги судда Эшонга давогар хун талаб кишилар топилмай, суд уни оқлашга мажбур бўлади. Ушбу суд жараёни Муҳаммад Али муридларининг улкан намоиши ва жанговор кўригига айланиб кетади. Эшон тантана билат ўтган шаҳар кўчаларини тўлдирган минглаб муридлари уни зафар билан қутлашади. Мингтепалик эшоннинг тобора ортиб бораётган орзу эътибори ва ғоят кўтарилиб кетган мавқеи мустамлакачиларнинг хавотирини оширди. Бунга уларнинг асослари бор эди. 1895-йилда эшон хузурига Олий малакаси номи билан машҳур бўлган Қурбонжон додхоҳ ташриф буюргани ва у билан мустамлакачиларгаб қарши қўзғолон кўтариш масаласини муҳокама қилгани мустамлакачиларни талвасага солди.

Қурбонжон додхоҳнинг ўғли Қамчинбек эус божхонаси ходимини ўлдирганликда айбланиб камалгани ва унинг осиб ўлдирилганлиги бу мўтабар зотнинг подшо ҳокимиятига қарши ҳаракат бошлашига сабаб бўлди. Қолаверса, норозилик унинг қўл остидаги қирғизларда ҳам кучли эканлиги маълум эди. Кетмонтеъпа, Кўгарт тарафларидаги қирғизлар 1896-йили рус мустамлакалари устидан шикоят қилиб, Мингтепага вакил юборишди. Тахминан 25 киши Дукчи Эшоннинг ҳузурига келиб, шундай дейишган : «Агар бизга ижозат берсангиз, ҳамма қирғизлар йиғилиб, мужиклар устига ҳужум қилиб, ҳаммаларини отимиз туёғИ остида бостириб юборамиз. Жонимиздан тамом тўйдик. Биз қирғизларни бениҳоят бесарамжон қилдилар. Бундай юрганимиздан ҳаммамизнинг ўлганимиз яхшироқ. Ғазотга ижозат беринг!» Эшон бунга жавобан бундай деган: «Биродарлар! Ҳали вақти эмас, андак фурсат бор, ҳаммамиз бирдан ҳужум қиламиз, охири бу Николай зулми остида қолмаймиз, Бироз фурсат бор, таваккуф қилиб туринглар! Мен ўзим бош бўлиб ҳамма биродарларни ишни бир йўли бошлаймиз».

Қўзғолон 1898-йил 17-майда Мингтепа қишлоғида бошланади. Бунинг сабаби Горизмнинг мустамлакачилик сиёсати бир томондан халқ ҳаётнинг оғирлашишига, икинчи томондан, маҳаллий юқори табақа вакилларининг манфаатларига зарба беришга олиб келди. Бу ҳол халққа ҳам, юқори табақа вакилларининг илғор қисмига ҳам умумий душман – Чоризмга қарши бирлашишга замин ҳозирлади.

Жамият маънавий ҳаётининг асосий йўналтирувчи кучи бўлмиш Ислом динининг камситилиши, унинг моддий асосларининг чеклаб қўйилиши дин пешволарининг ҳам бош кўтаришига олиб келди. Асрлар мобайнида ҳукм суриб келган Ислом динининг ғайридинлар асирига айланиб қолиши қўзғалон бошланишининг энг муҳим сабоқларидан бири

бўлиб ҳисобланади. Айниқса, намоз пайти рус императори номига хутба ўқилиши-бу жуда ачинарли бўлган.²²

Шу сабабдан «газот» шиори остида умумий бир ҳаракат ватан ва дин ҳамда умуммиллат учун бошланди.ана шундай норозилик ҳаракати 1898-йил Андижон уезденинг Мингтепа, Тожик, Қошгар каби қишлоқларида бошланди.

Бу жойларда Муҳаммад Али Халфа Собир ўғли (1856-1898-йиллар) энг обрўли дин пешвоси бўлган. Унинг отаси пахтани чигитдан ажратадиган халажи ва йиг, яъни «дуг», бешик ясайдиган ҳунар эгаси эди. Демак, Муҳаммадали ҳунарманд оиласида дунёга келиб вояга етган. У Дукчи Эшон деб аталган. Эшон деб номланишига сабаб шу бўлганки, у ўзининг сўғайратлиги ва истеъдоди туфайли қишлоғидаги Султонхонтўра Эшонга шогирд тушиб, юксак диний унвонга сазовор бўлган.

Дукчи Эшин мол-мулк тўплашга берилмай, назр ва совғага келтирилган барча бойликларни қашшоқларга сарф қилган.

Чунончи, ҳар кунио белгилаб қўйилган жойда камбағалларга текин овқат берган.²³

Дукчи Эшон оғир сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароит орқасидан бир парча еридан ҳам маҳрум этилган, деҳқонлар, шаҳар камбағаллари учун умумий шиор рамзига айланган.

Шуни англаган Дукчи Эшон элнинг озодлик учун курашга бош-қош бўлди, Дукчи Эшон томонидан «чақириқ қоғози» уюштирилди. Бунда ўзбек, тожик, қирғиз аҳолисининг вакиллари Мингтепага тўпланиши керак эди. Мурожатнома мусулмонларни кофирлардан ҳимоя этиш ҳақида келишиб олишмасаласи эди ва унда қўйилган нуфузли одамлар имзоси мавжуд бўлган:

1. Мулла Аҳмад нойиб Мулла Мирза ўғли.
2. Ҳайитбой Туксабо.

²² Х.Зияев. «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш».Т., 1998-йил 385-бет.

²³ Х.Зиёев. «Туркистон Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш». Т., 1998-йил 387-бет.

3. Орзикулбой Понсад.
4. Умарбек додхоҳ.
5. Ботир мионгбоши.
6. Соттибой Мирза.
7. Ботир мингбоши Нормат ўғли.
8. Муҳаммад Иброҳим Тўксабо.
9. Мўлла Ғойибназар Ортиқ ўғли.
10. Алибек додхоҳ ва бошқалар.

Улар орасида 1 та қози, 2 та бўлис бошлиғи, 7 та қишлоқ оқсоқоли ва бошқалар мавжуд эди. Чакириқ қоғозида кўрсатилганидан ташқари яна бир мақсад – агарда кўзғолонда ғолиб чиқилса,, Дўкчи Эшоннинг 14-ёшли жияни Абдулазиз хонлик лавозимига сайланиши лозим эди.²⁴

Дукчи Эшон атрофидаги ишончли кишилар Туркиянинг ёрдами ва мавқеидан фойдаланиш ниятида Султон Абдулхамид (1876-1909-йиллар) номига хат юбордилар. Аммо бу хат ўз эгасига бориб етмайди. Дукчи Эшонга турк султонинг қалбаки жавоб хатини ва совғасини тақдим этганлар ва Дукчи Эшонни унинг аслигига ишонтирганлар. Амалда Туркия билан алоқа ўрнатилмаган ва бунга имконият ҳам йўқ эди.

1898-йил «Рус инвалиди»нинг ёзишича, Абдулжамилхўжа деган киши Қашқардан келиб, Дукчи Эшонга гўё «турк султони томонидан юборилган хат ва тўнни» топширган эмиш, лекин унинг ҳақиқатлиги исботланмаган.

Ўша йили 14-июлда Туркистон ҳарбий округининг штап бошлиғи Н.Белявскийнинг билдиришича, «Турк султонида ҳеч нарса олинмаган».²⁵

Абдулжамилхўжанинг Қашқарга борганлиги ҳақида маълумотлар ҳам тасдиқланмади.

²⁴ Ўша китоб. 388-бет.

²⁵ Х.Зиёев. «Туркистон Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш». Т., 1998-йил, 389-бет.

1898-йили генерал-лейтенант Королков ўзининг хисоботида кўзғолоннинг сабабларига тўхталиб, Дукчи Эшонни Туркия билан алоқада алоқада бўлмаганлигини исботлади.

Кўпчилик адабиёт ва дарсликларда Дукчи Эшон Туркияда бўлган деган гикрлар мавжуд эди.²⁶

Сўнги маълумотлар, яъни архив хужжатлари шуни кўрсатмоқдаки, Дукчи Эшоннинг Туркияда бўлганлиги тахмин эди, холос. Дукчи Эшонга далда ва ҳалқ ишончи учун бу каби уйдирма гаплар тайёрланган.

И.И.Королковнинг ёзишича, Дукчи Эшон турк султониға ёзган хатида «Қўқон хонлигидаги ички тартиб бузилишлари, мамлакатда фоҳишабозлик, ичкибзлик, қиморбозлик каби ҳолатлар меъёридан ошди» мазмунида хат йўллаган ва шу хат мазмуни асосида рус ҳукуматиға маълум қилиб, тартибға чақиришни илтимос қилган. Бу гапларнинг ҳаммаси Дукчи Эшонни айблаш учун терговчи рус маъмурияти томонидан уйдирма эди, холос.

Дукчи Эшон Европада ҳам бўлмаган, рус тилини ҳам билмаган.²⁷

Дукчи Эшоннинг асл қиёфасини очадиган бўлсак, атрофда содир бўлаётган тажовуз, зўравонлик, чор амалдорлари билан бир қаторда маҳалий руслар учун хизмат қилаётган волост хизматчиларини инсофға чақириш, топталган диний қадриятларни оз мунча бўлса-да, ҳурмат қилишни тарғиб этиш мақсадида бутун оломонни тўплашни мақсад қилган эди.

Мухаммадали Халфа номини олган Дукчи Эшон Маккаға борувчиларнинг йўли таъқиқланганлиги, закот йиғиш ман этилганлигида қаттиқ ғазабланган эди, сабаби йиғилган закот кўпчилик бевалар камбағалларға кунлик овқат сифатида ажратилар эди.²⁸

²⁶ А.Эгамназаров. «Сиз билган Дукчи Эшон» Т., 1994-йил, 59-бет.

²⁷ Х.Зиёев. «Туркистон Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш». Т., 1998-йил, 385 бет.

²⁸ Ўша китоб. 390 бет.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, қўзғолонда рухонийлар ва маҳаллий аҳоли билан бир қаторда чор маъмурлари қўл остида ишлаб келаётган собиқ волост бошлиғи Умарбек додхо, Саттибой, каби йирик шахслар ҳамда одамлар ҳам иштирок этишган.²⁹

Қўзғолон мағлубиятга учради.

1898-йил 19 майда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори қўшин билан Андижонга кириб келди. Андижон уэзди бўйлаб жазо отрядлари кезиб, қўзғолонга дахлдор кишилар калтакланди ва хибисга олинди.

13 май куни тунда Чорвоқ қишлоғидан кесиб ўтувчи Қорадарё устидан тошқўприкдан бир неча ҳамрохлари билан ўтиб келаётган Эшон Муҳаммадали Халфани мустамлакачиларга «сидқидилдан» хизмат қилган ўз юртдошларимиз – штабс-капитан Оғбеков ва унинг йиғитлари қўлга олиб, чор маъмуриятига топширганлар.³⁰

1898-йил 12 июн соат 1330 да Андижон шаҳрида мажбурий суратда аҳоли, жумладан, болалар тўпланиб, уларнинг ҳузурида Эшон Муҳаммад Халфа қўзғолонга раҳбарлик қилган 5 нафар сафдоши билан бирга дорга осиб ўлдирилган, шу ерга кўмилган ва текислаб юборилган. Рус ҳукумати қўзғолончиларни қаттиқ жазолаш билан бирга Тожик, Кашкар ва Кутчи қишлоқларидаги барча хонадонларни бузиб ташлаб, 680 оилани Қақир деган даштга хайдайди. Бу ерга эса Россиядан кўчириб келтирилган 200 та рус оиласи ўрнаштирилади.³¹

Эшон хонақоҳининг ўрнини текислаб, черков қилишга қарор қилинади.³²

Andijon qoʻzgʻolonini tarix darslarida oʻqitishning taʼlim – tarviyaviy oʻgʻni.

Юқоридаги боболардаги баён мавзусига кўра шу нарса маълум бўлдики, Туркистон халқлари таърихида ҳам ўз мустақиллиги, ўз эрки

²⁹ «Ўзбекистон СССР тарихи». 3 том, 1968 йил, 171 бет.

³⁰ Гулнор ал-фарғоний. «Дукчи Эшонни ким сотди?» «Халқ сўзи», 1999-йил 27 сон.

³¹ Х.Зиёев «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш». Т., 1998-йил, 397-бет.

³² Гулнор ал-Фарғоний. «Дукчи Эшонни ким сотди?» «Халқ сўзи», 1999-йил, 27-сон.

учун, халқ озодлиги учун курашлар ҳар бир таърихий босқичда давом этиб турган. Ватанпарварлик, миллий ғурур, халқ озодлиги учун, дин учун кураш бошлаган Дукчи Эшон қўзғолони ҳам ана шундай миллий озодлик ҳаракатларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, Кадрлар тайёрлаш милли дастурининг янги Низомига кўра ва маориф тизимидаги тубдан ислох қилиш қонунига асосан ўқитишни янги педогогик технология жараёнида олиб боориш талаб этилмоқда. Янги педододик технология услубиятида қуйидагиларга амал қилиш мумкин:

А) Талаба махсус тематик режалар асосида тайёрланган маърузалар матни билан таниш бўлиши талаб этилади.

Асосий мақсад – янги педогогик техник жараён асосида ўқитишда ўқувчилар XIX-аср охиридаги миллий-озодлик ҳаракатининг етилиши мавзуси ишласб чиқишга боғлиқ бўлади ва қуйидагича таҳлил этиш мумкин:

1 Дарс.

Темани ёритадиган матнда ишлатиладиган асосий мақсад:

1. Рус босқини (Умумий тасаввур).
2. Қўқондаги ички ҳаёт ва низолар
3. Қўқоннинг руслар томонидан босиб олиниши.
4. Фарғона ва Андижон аҳолисининг руслар тажовузига учраши.
5. Диндорларга қарши қаратилган ҳаракат.
6. Дукчи Эшон Дукчи Эшон Муҳаммадалининг халқни «газовотга» чорлаши.
7. Қўзғолоннинг мағкубияти.

Юқоридагисаволларга ўқувчи қисман жавоб бера олиши учун уларга уй топшириғИ сифатида олдиндан таништирилиши лозим бўлади.

ДАРСНИНГ ТАШКИЛИЙ ҚИСМИ

Аосий мақсад:

1. XIX асрдаги русларнинг Ўрта Осиёга ёки Туркистонга бостириб кириши.
2. Фарғона аҳолисининг руслар тажовузига учраши ва Дукчи Эшон қўзғолони.

Кейин қисқача таянч ибораларга эътабор қаратилади:

Ўқувчини идентив ўқув мақсади, демак, мавзу баёнида ўқувчи:

- a. Ўрта Осиёдаги хонликлар ўртасидаги вазиятни билади;
- b. Ruslarning bosib olish sabablarini aniqlaydi.
- v. Уларнинг сиёсий ҳаракатлари ва маҳаллий аҳолига муносабатини баҳолайди.³³

³³ Раъно Муллажоновна. «Андижон қўзғолони мавзусини ўқитиш» «Халқ таълими», 2000, 3-сон.

**Ўқитувчини дарс мавзуси баёнида
кузатиладиган асосий мақсад юзасидан**

1 савол баёни:

Ўқитувчи XIX аср арафасида Ўрта Осиёда юзага келган уҳ хонлик хукмронлиги, улар ўртасидаги муносабат, ички низо, иқтисодий танглик ва русларга тобеликнинг юзага келиши сабабларини баён этади. Русларнинг Туркистонни босиб олиш босқичларини тушинтиради.

1 савол юзасидан назорат саволлари

берилади:

- а. XIX асрдаги ижтимоий. Сиёсий ва иқтисодий аҳволга баҳо беринг.
- б. Хонликлар ва руслар ўртасидаги муносабатларни изоҳланг.
- в. Русларнинг Туркистонга бостириб киришига сабаб бўлган тарихий вазият нималардан иборат?

1 мавзу 2-чи асосий саволнинг баёни:

Бунда Фарғонадаги ички ижтимоий-иқтисодий ҳолат. Қўқон хонлигининг руслар таъсирига тушиши ва хонликнинг тарқалиши. Фарғонада губернаторликнинг ўрнатилиши, уларнинг маҳалий аҳолига кўрсатган тажовузлиқ сиёсати ва халқ ҳаракатининг юзага келиши.

Ўқувчининг идентив мақсади:

- Қўқон хонлигидаги ички сиёсий ҳолатни ўқувчи билади.
- Русларнинг қириб келиш сабаблари ва хонликнинг тугатилишидан хабардор бўлади.
- Миллий-озодлик ҳаракатининг юзага келишини тушунади ва тушунтиради.

Ўқитувчининг мақсади:

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон рус босқинчилари томонидан бўйсиндирилгач, дастлаб руслаштириш сиёсати давом этди. Сирдарё, Фарғона ва бошқа вилоятда кўплаб рус қишлоқлари пайдо бўлди. Руслар дастлаб маҳаллий хукмдорлар ва диндорларга қарашли (вакф) ерларни давлатники қилиб ўзлаштирилди. Асосий эътабор руслар ҳимоясига қаратилди. айниқса, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг оғирлиги туфайли 1892-йили вабо исёнининг юзага келиши Фарғонага ҳам ўз таъсирини ўтказди. Руслар тажовузининг кучайиши, маҳаллий фуқороларнинг хўрланиши, айниқса, масжид ва диний маҳкамаларнинг қисқариши, хажга боришни ман этиш каби қоидаларнинг жорий этилиши туфайли халқ орасида нуфузли бўлган Дукчи Эшон халқни «газавот» юришига бошлашга чақирди. Афсуски, айрим хоинлар аралашуви сабабли 1898-йил 17 май куни бошлаган Мингтепадаги ҳаракат тезда бостирилди.

Маълумки, Дукчи Эшон кўтарган бу сиёсий ғалаён миллий-озодлик руҳида бўлса-да, аниқ режа ишлаб чиқилмаган эди. Дукчи Эшон рус ҳукумати қудрати билан ҳисоблашмай, халқни бош кўтаришга ундади. Ҳарбий ҳолат жорий этилди. Мингтепадаги ҳаракатда 200 сарбоз, 600 та кўзғолончилар тўплаган бу ҳаракат тезда бостирилди 362-киши Сибирга сургун қилинди. 12 июн куни Мухаммадали Эшоннинг ўзи осиб ўлдирилди.

Ўқитувчи мавзу матнида кўзғолонни бостиришда қатнашган сотқинлар ҳақида маълумот беришлари керак бўлади, яъни айрим чор ҳукуматига хизмат қилувчи штаб капитани Оғабековга Владимир ордени, Якуб Ибрагимов ва бошқалар Георгий лентаси билан (Жасорат учун), кумуш медали ва пул мукофоти берилганлиги айтиб ўтилди.

Дарс сўнгида топшириқ саволлари:

1. Қўзғолоннинг юзага келиш сабаблари.
2. Дукчи Эшонни «Газовот» эълон қилишига мажбур этган тарихий ҳолатни тасаввур этинг.
3. Қўзғолон енгилишидан кузатилган муоммоларни сананг.
4. Қўзғолон ҳаракатига таъсир ўтказган сотқинларга қандай баҳо берасиз?

2.4. Илова Тестлар

1.У.Муркфорд бошчилигидаги экспедициянинг таркибида нечта киши бўлган?

- а) 50 та; б) 70 та; с) 35 та; д) 27та.

2.У.Муркфорд экспедицияси олиб келган 80 сандиқ турли хил моллар кимга кўрсатилган?

- а) Бухоро қушбегисига; б) Бухоро амирига;
с) Бухоро девонбегисига; д) Бухоро шиғовулига.

3. У.Муркфорд экспедицияси нимага муваффақ бўлган эди?

а) Устюрд орқали Ўрта Осиёга борадиган йўллари янада аниқроқ белгилаб олди.

б) Ўрта Осиёда инглиз савдосининг ривожланишига ёрдам берди.

с) Бухоро хонлигини ҳар томонлама ўрганишга, маҳаллий ҳукмдорлар орасида инглизларга тарафдор гуруҳни шакллантиришга.

д) Инглиз разветкасининг айёқчилари Ўрта Осиёда фаоллашувига.

4. 1826-йилда Россия ҳукумати ким бошчилигида Устюрдга экспедиция юбориб, Ўрта Осиёга борадиган йўллари янада янада аниқроқ белгилаб олди?

- а) капитан Жеймс Аббот; б) полковник Ф.Берг;
с) лейтенант Александр Бёрнс; д) капитан Чарлз

Стоддарт.

5. Қачон ва ким бошчилигида инглизлар Ўрта Осиёга иккинчи марта элчи юбордилар?

- а) 1831-йилда лейтенанти Александр Бёрнс бошчилигида;
б) 1839-йили капитан Жеймс Аббот бошчилигида;
с) 1832-йилда полковник Ф. Берг бошчилигида;
д) 1825-йилда полковник У. Муркфорд бошчилигида.

6. 1832-йилда Бухорога келган инглиз элчисини аниқланг?

- а) Ф. Берг; б) У. Муркфорд;
- с) Чарлз Стоддарт; д) А. Бёрнс.

7. Англиянинг қайси элчилик миссияси Ўрта Осиёда инглиз савдосининг ривожланишига ёрдам берди?

- а) Чарлз Стоддарт; б) Жеймс Аббот;
- с) Александр Бёрнс д) Конолли.

8. 1839-йили қаерда ўз қароргоҳини вужудга келтирган инглиз разведкасининг айғоқчилари Ўрта Осиё хонликларига юборилиб турилди?

- а) Қобулда; б) Ҳиротда;
- с) Қундузда; д) Балхда.

9. XIX асрнинг 30-йиллари инглиз разведкаси вакилларида кимлар Хива, Бухоро, Қўқон хонликларига келиб ҳарбий, сиёсий, иқтисодий масалаларда маълумотлар тўплаб, ўз раҳбарларига етказарди?

- а) У. Муркфорд; б) Жеймс Аббот, Флорио Беневени, У. Муркфорд, Ричард Шекспир;
- с) Чарли Стоддарт, Конолли, Ф. Берг, А. Бёрнс;
- д) Жеймс Аббот, Чарлз Стоддарт, Конолли, Ричард Шекспирлар

10. Россиянинг Хива хонлигига қарши биринчи ҳарбий юришига ким раҳбарлик қилган эди?

- а) Александр Бекович-Черкасский;
- б) Оренбург губернатори В.А.Перовский;
- с) Иван Бухгольс;
- д) атаман Нечай.

11. Россиянинг Хива хонлигига қарши биринчи ҳарбий юриши нима сабабдан муваффақиятсизликка учради?

- а) Хивахонлигининг ҳарбий қудрати;

- б) Россиянинг иқтисодий жихатдан ночорлиги;
- с) Ғарб давлатларининг Россияга қарши дағдағаси;
- д) Уруш қатнашчиларининг ўзини совуққа олдириши, озиқ-овқат, ем-хашакнинг тугаб бориши сабабли.

12.Ўрта Осиё хонлари ва Россия муносабатларининг кескинлашувига нима сабаб бўлди?

- а) подшо Россиясининг ҳарбий ҳаракатлари;
- б) подшо Россиясининг Ўрта Осиёда ўз таъсирини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатлари;
- с) подшо Россиясининг ўзбек хонликлари билан савдо алоқаларини узиши;
- д) подшо Россиясининг Ўрта Осиё хонлариг қурол-яроғлар бермаслиги.

13.1847-йилда Россия хонларига олиб борадиган йўлда барпо қилган истеҳкомларни қайд этинг.

- а) Верний ва Пешпак; б) Раим ва Копал;
- с) Оқмачит ва Авлиёота; д) Раим ва Верний

14.Россия томонидан Сирдарё ўзани яқинидаги барпо этилган истеҳкомни аниқланг.

- а) Раим истеҳкоминг; б) Копал;
- с) Верний; д) Авлиёота.

15.Россия томонидан барпо этилган Еттисув Олатоғидаги истеҳкомни аниқланг.

- а) Копал; б) Раим; с) Авлиёота; д) Верний.

16. Қайси омиллар Россия олиб борган сиёсатда ҳарбий йўл билан Ўрта Осиёни ишғол этиш томон бурулиш рўй берганлигининг яққол исботи ҳисобланади?

- а) подшо Россиясининг Ўрта Осиё хонликларига қурол-яроғлар бермаслиги;

б) подшо Россиясининг Ўрта Осиёда ўз таъсирини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатлари;

с) Раим ва Копал истеҳкомларининг тузилиши;

д) подшо Россиясининг ўзбек хонликлари билан савдо алоқаларини узишлари.

17. Ўрта Осиёнинг қайси давлатлари Россия томонидан қурилган истеҳкомларни бузиб ташлашни илтимос қилиб мурожаат қилишади?

а) Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги;

б) Хива ва Қўқон хонлари;

с) Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги

д) Қозоқ жузлари.

18. Англия Россия билан келишувга биноан...

а) Россиянинг Ўрта Осиё бўйлаб барпо қилаётган ҳарбий истеҳкомларни қуришга ёрдам бериши, Россия эса Англиянинг Ҳиндистонда олиб бораётган сиёсатига ҳайрихоҳ бўлиши керак эди;

б) Англия Ўрта Осиёда савдо ваколатхоналари очадиган, ҳарбий қурол-яроғдан ташқари барча маҳсулотлар билан савдо қилиш, Россия Англиянинг Афғонистонга қарши ҳарбий ҳаракатларини қўллаб қувватлайдиган бўлди;

с) Россия Ўрта Осиё билан чекланади, Ҳиндистонга чиқиш ниятидан воз кечади, Англия эса Россиянинг Ўрта Осиёда олиб борга сиёсатига қаршилик қилмайдиган бўлади;

д) Англия Ўрта Осиё билан чекланади, Ҳиндистонга чиқиш ниятидан воз кечади, Россия эса Англиянинг Ўрта Осиёда олиб борган сиёсатига қаршилик қилмайдиган бўлади.

19. Қаер Англия ва Россиянинг Осиёдаги мустамлакалари ўртасида уларни ажратиб турувчи ҳудуд сифатида эътироф этилади?

а) Бухороамирлиги;

б) Афғонистон;

- с) Хива хонлиги; д) Эрон.

20. Чор Россиясининг хонликларни исило қилиш хавфи муқаррар бўлган ҳолатда...

- хонлар инглизлар билан ҳарбий битимлар туздилар;
- хонлар мудофааистехкомлар барпо қилдилар;
- хонлар ўзаро бирлаша олдилар;
- хонлар ўзаро бирлаша олмадилар.

21. Қачондан бошлаб Ғарбий Европанинг илғор мамлакатларида тўқимачилик, қоғоз, шиша ишлаб чиқаришда мануфактураларвужудга келди?

- а) ХВИ асрнинг ўрталаридан;
б) ХВИ асрнинг бошларидан;
в) ХВИ асрнинг охиридан;
д) ХВИ асрнинг 1-ярмидан.

22.Қачон Ғарбий Европада асбоб-ускуналарни ҳаракатга келтирувчи буғ машинаси (мотор) ихтиро қилинди. Натижада асосий ишларни машиналар бажарувчи фабрика-заводлар вужудга келди?

- а) XVIII асрнинг биринчи ярмида;
 б) XVIII асрнинг
 охирларида;
 в) XVIII асрнинг иккинчи ярмида;
 г) XVIII асрнинг
 бошларида.

23.Ўзбек хонликларининг тараққиётда қолоқлигининг сабаблари нима­лардан иборат эди?

- 1) тарқоқлик; 2) аҳолининг учга бўлиниб кетиши; 3) тинимсиз урушлар;
- 4) ички кураш; 5) ўзаро низо-жанжаллар; 6) бошбошдоқлик; 7) иғви-фасоднинг авж олиши; 8) эски ишлаб чиқариш усули; 9) ерга эгалик қилишнинг; 10) мулкчиликнинг эски усули; 11) саноат ишлари ривожлантирилмади; 12) товар-пул муносабатлари ривожлантирилмади;

13) хонликлар ўртасида ягона ички бозор ташкил топмаганлиги; 14) харбий ночорлик.

а) 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14.

б) 1,3,5,7,9,11,13.

с) 2,4,6,8,10,12.

д) 1,3,4,7,8,10,12,13.

24. Ўзбек хонликларининг жаҳон тараққиётидан орқада қолишининг оқибати нимага олиб келди?

а) Англиянинг тажовузининг ортишига имконият яратди;

б) Россия империяси томонидан истило этилиши учун қулай имконият яратди;

с) Россия Ўрта Осиё билан чекланади, Ҳиндистонга чиқиш ниятидан воз кечади, Англия эса Россиянинг Ўрта Осиёда олиб борган сиёсатига қаршилиқ қилмайдиган бўлади;

д) Россиянинг Раим ва Копал истеҳкомларининг қуришига олиб келади.

Мавзуга оид ҳужжатлар

«Сизларга сўнги маротаба арз қиламизки, чор Россиясининг истилочилик фаолияти унинг журъатини янада оширди. Руслар бир неча вақтдан бери қароргоҳ сифатида фойдаланиб келишадиган Оқмачитдан чиқиб, Ҳазрати Султон (Туркистоннинг Аҳмад Яссавийга нисбат берилган ўша пайтдаги номи – муаллиф), Чимкент, Авлиёота ва Тошкентни қўлга киритиб, халқнинг кўпини шаҳид қилди ҳамда мусулмонларга ҳолдан ортиқ адолацизлик ва зулм ўтказди.

Руслар бу воқеадан кейин бир йил ўтгач, Жиззах яқинига келган бўлсалар-дак, мағлуб бўлиб, Сирдарё соҳилидаги Тўрақўрғон деган мустаҳкам биржойда қишладилар. Жаноби Али (Бухоро амири – муаллиф) катта бир қўшин билан руслар устига юрди. Бухоро қўшини кучли ва тартибли бўлган русларнинг урушиш усулини билмаганлигидан

ортга қайтди. Бунинг оқибатида русларнинг жасорати ошиб, Хўжандни олдилар ва анча муслмонни шахид этдилар. Икки-уч ой кутган рус қўшини Хўжанддан чиқиб, Янгиқўрғонни олди ва Ўратепага яқин келди. Ўратепани олган руслар кўплаб муслмонни ўлдирдилар. Жиззах сари юриб, бир ҳафта ичида Жиззах қўрғонини олган руслар бу ерда ҳадсиз-хисобсиз муслмонни ўлдирдилар. Жаноби Али бу хабарни эшитиб, кўп сонли қўшинни Жиззахга жўнатди. Бу вазиятда рус сулҳ шартномаси тузмоқчи эканликларини айтиб, Бухоро қўшинини хия билан орқага қайтардилар. Қўшиннинг орқага қайтишидан кейин Янгиқўрғон ва Жиззахдан уч фарсах узоқликдаги сой бўйига келгани ҳақида хабар келгач, жуда кўп аскар ва тўп билан кофир устига юрилди. Икки-уч марта кичил жанглар бўлди. Янгиқўрғонда кутаркан, Оренбург ҳокими Бухоро амирига бир мактуб юбориб, сулҳ тузиш истагини билдирди. Бухоро амири русларга алданиб, қўшинни орқага қайтарди. Буни эшитган кофир қўшинини Янгиқўрғондан олмади. Ҳалифа ҳазратлари русларни муслмонлардан узоқлаштирсин, шу тариқа исломият ривож топсин ва заифлашмасин. Бу тарафда Жаноби Али тўпхона қурдириб, 10000 кишилиқ аскар кофир билан қарама-қарши турибдир. Агар Халифа ҳазратлари мактуб ёки киши билан русларни муслмонлардан узоқлаштирса, давлатининг ривожини ва яхшилик-ла эсланишининг сабаби бўлажак. Чорасиз қолган бу муслмонлар Халифанинг бу шарофати билан қутулсалар, амал дафтарига буюк савоб ёзилади. Ожизлик ва Чорасизлик ичидаги қусулмонларнинг аҳволи Халифа ҳазратларига билдирилсин.» (У. Мерт. «Бухоро амирининг элчиси Муҳаммад Порсо афандининг Истанбулдаги дипломатик фаолиятлари (1867-1869 у. у.)», Турк култури Араштирмалари, XV (1 – 2. 1976) 98 – 99 va 112-113 – betlar.)

Мавзуга доир хужжат

(Қурама тумани хокимий полковник Каллаурнинг 1880-йил 16-июлда Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторига йўлланган ахборотидан)

«Мен, 10 июл куни волост бошқарувчиси сайловини ўтказиш учун Хурдон қишлоғига келдим. Мулла Шермуҳаммад Худойберганов, Холмуҳаммад Худайберганов, Муҳаммадқул Қоплонов бошчилигидаги оломон мен тушган уйни ўраб олди. Халқ олдида чиққанимда одамлар мулла Шермуҳаммад номзодини сайловга қўйишимни талаб қилишди. Мен уларга йиғилиш ўтказиладиган жойга боришларини буюрдим. Аммо улар кўрсатилган ерга бормасликларини айтдилар. Шунда мен оломонни тарқатиб юборишни буюрдим. Аммо ғаламислар одамларни қаршилиқ кўрсатишга чақирдилар. Ур-тўполон бошланди. Миршабларни калтаклашди. Одамларни тўполонга бошлаганлардан бири Муҳаммадқул бўлса тилмочимнинг юзига шапалоқ тортди. Отлиқ казаклар етиб келгандагина оломонни тарқатиб юбордик. Хибсга олинган Мулла Шермуҳаммад, Муҳаммадқул Қоплонов ва Холмуҳаммад Худойбергановлар қўйликка юборилганидан кейин йиғилиш мўлжалланган жойга бордим. Аммо у ерда элликбошилардан бошқа ҳеч ким йўқлигини кўрдим. Одамлар икки чақиримча наридаги қўрғончада тўпланишиб тўполонни давом эттиришаётганини хабар қилишди. Мен Тилмоч ва Миршабларни уларнинг олдида жўнатдим. Улар кўп ўтмай ховлиқиб қайтишди. Одамлар уларни яна калтаклашибди. Тилмоч уларга буйруғимни етказганда ҳалойиқ орасидан бир-неча киши «Туман бошлиғи тилмочи ва одамларини сўйиш керак. Шунда бу ишнинг доврўғи узоққа кетади. Бизни ҳеч нарса қилиша олмайди. Кези келганда уларни оца ҳам бўлаверади», деб қичқаришибди. Мен улар олдида жўнадим. Оломонга уларни тартибсизлиги ҳунук оқибатларга олиб келишини тушинтира бошладим. Қонунга кўра бундай иш оқибациз қолмаслиги ва қаттиқ

жазоланишини айтдим. Аммо оламон парво қилмади. Сайлов жойига боришга бош тортишгани етмагандек, дўқ-пўписа ҳам қилишди:

Дўқ қилма!

Сибирингдан ҳам қўрқмаймиз!

Вазиятни чамалаб кўриб мен сайлов ўтказмасликка қарор қилдим»

Мавзуга оид ахборот

Сафдош

Қирғиз кўзғолончи раҳбарларининг тақдири ҳақида бизда маълумот етарли эмас эди. Фозилбек Отабек ўғлининг Чибел бўлис ҳақида қисқа бўлса ҳам ёзганлари мақоланавис Алиназар Эгамназар берган маълумотларга («Сиз билан Дукчи Эшон », хужжатли қисса, Тошкент, 1994) тўғри келмайди. Масалан, Фозилбек ўз китобида Чибел бўлис Эҳон билан бирга осиб ўлдирилгани ҳақида ёзади. А.Эгамназоров эса, осиб ўлдирилмаган дейди, аммо Чибел ҳақида унда ҳам маълумот йўқлиги сабабли бошқа бирон фикр билдирмайди.

Бизнинг кўгарт водийсига қилган сафаримиз бу воқеалар тафсилотини ўрганишда жуда муҳим бўлди. Сафар чоғида ёзиб олинган хотиралар билан бирга «Тўхтакул замондошларининг хотиралари» тўплами ҳам бизга анча қўл келди. Тўпламда атоқли қирғиз куйчиси Тўхтакул Сотилғоновнинг кўзғолон туфайли Сибирга сургун қилингани ҳақида хотира маълумотлари бор ва унинг сургундаги «ирлари»дан намуналар келтирилган. Шунингдек, ушбу тўпламдан жой олган, Сотқин Сасиқбоевнинг Чибел дўсти Бўлат Жиртақов ҳақидаги мақоласида ҳам биз учун муҳим ҳабарлар келтирилган.

Шундай қилиб, ушбу тўпламда келтирилган хужжатли маълумотлар ва ўзимиз тўплаган хотиралардан Чибел бўлис ва дўстларнинг тақдири ҳақида қимматли далиллар аниқланди. Улар қўлга олингач, қўл оёқларига кишан солинган ҳолда Бозорқўрғонда уч кун қамашиб сўнгра, Андижонга олиб кетишган. Айни ўша кунлари Кетмонтепада Тўхтакул ҳам қамалган

экан. Қўлга олинганларни иккита аравага солишиб, отлиқ аскарлар назоратида жўнатишган. Кун иссиқ, йўллар чанг, чанқоқ ёмон азоб берарди, атрофдан сув тутмоқчи бўлганларга хатто қаратмас ҳам эдилар, — деб эслайди Булат Жиртақов. Иккинчи куни Андижонга етиб келишди ва уларни Андижон турмасига қамашди. Бўлат хотирасида турмада, «Бир неча кун бўлдик», — дейилган. Аммо Ади оға ва бошқалар хотирасида 33 кун қамокда бўлгани аниқ айтилади. Бирон ҳафтадан сўнг ён камерага яна одамлар олиб келишади. Ана шулар орасида Тўхтакул Сотилғонов ҳам бор эди. Улар Андижон турмасида бир-бирлари билан танишдилар. Бу кунлар Фозилбек Отабек ўғли ёзгандек, Чибел бўлишни сўроқ қилган кунларига тоғри келади. Бўлат хотирасига қараганда, турма хонасида тахминан 70-80 тадан маҳбус бўлган, ҳаво иссиқ ва дам, нафас олиш оғир бўлганидан бир неча одам ҳолдан тойган, ўлганлар ҳам бўлган.

Мавзуга доир ҳужжатлар:

(Қурама тумани ҳокими полковник Каллаурнинг 1880-йил 16-июлда Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторига йўллаган ахборотидан)

«Мен, 10-июл куни волост бошқарувчиси сайловини ўтказиш учун Хурдон қишлоғига келдим. Мулла Шермуҳаммад Худойберганов, Муҳаммадкул Қоплонов бошчилигидаги оломон мен тушган ўйни ўраб олди. Халқ олдида чиққанимда одамлар мулла Шермуҳаммад номзодини сайловга қўйишимни талаб қилишди. Мен уларга йиғилиш ўтказиладиган жойга боришларини буюрдим. Аммо улар кўрсатилган жойга бормасликларини айтдилар. Шунда мен оломонни тарқатиб юборишни буюрдим. Аммо ғаламислар одамларни қаршилик кўрсатишга чақирдилар. Ур-тўполон бошланди. Миршабларни қалтаклашди. Одамларни тўполонга бошлаган одамлардан бири Муҳаммадкул бўлса тилмочимнинг юзига шаполоқ тортди. Отлиқ казаклар етиб келгандагина оломонни тарқатиб юбордик. Ҳибсга олинган Мулла Шермуҳаммад, Муҳаммадкул Қоплонов ва Холмуҳаммад Худойбергановлар Қўйликка юборилгандан кейин

йиғилиш мўлжалланган жойга бордим. Аммо у ерда элликбошилардан бошқа ҳеч ким йўқлигини кўрдим. Одамлар икки чақиримча наридаги кўрғончада тўпланиб тўполонни давом эттирашаётганини хабар қилишди. Мен тилмоч ва миршабларни уларнинг олдига жўнатдим. улар кўп ўтмай ховлиқиб қайтишди. Одамлар уларни яна калтаклашибди. Тилмоч уларга буйруғимни етгазганда халойиқ орасидан бир неча киши «туман бошлиғИ тилмочи ва одамларини сўйиш керак. Шунда бу ишнинг довуғи узокка кетади. Бизни ҳеч нарса қилиша олмайди. Кези келганда уларни оца ҳам бўлаверади», дебқичқиришибди. Мен улар олдига жўнадим. Оломонга уларнинг тартибсизлиги хунук оқибатларга олиб келишини тушунтира бошладим. Қонунга кўра бундай иш оқибациз қолмаслиги ва қаттиқ жазоланишини айтдим. Аммо оломон парво қилмадим. Сайлов жойига боришдан бош тортишгани етмагандек, дўқ-пўписа ҳам қилишди:

Дўқ қилма!

Сибирингдан ҳам кўркмаймиз!

Вазиятни чамалаб кўриб мен сайлов ўтказмасликка қарор қилдим»³⁴

Мавзуга оид ахборот

Сафдош

Қирғиз кўзғолончи раҳбарларининг тақдири ҳақида бизда маълумот етарли эмас эди. Фозилбек Отабек ўғлининг Чибел бўлиси ҳақида қисқа бўлса ҳам ёзганлари мақоланавис Алиназар Эгамназар берган маълумотларга («Сиз билан Дукчи Эшон », хужжатли қисса, Тошкент, 1994) тўғри келмайди. Масалан, Фозилбек ўз китобида Чибел бўлиси Эҳон билан бирга осиб ўлдирилгани ҳақида ёзади. А.Эгамназаров эса, осиб ўлдирилмаган дейди, аммо Чибел ҳақида унда ҳам маълумот йўқлиги сабабли бошқа бирон фикр билдирмайди.

³⁴ ЎзР МДА, 1-жамг`арма, 19-ро`йхат, 908-иш 1-3 варақлар.

Бизнинг кўгарт водийсига қилган сафаримиз бу воқеалар тафсилотини ўрганишда жуда муҳим бўлди. Сафар чоғида ёзиб олинган хотиралар билан бирга «Тўхтакул замондошларининг хотиралари» тўплами ҳам бизга анча қўл келди. Тўпламда атоқли қирғиз куйчиси Тўхтакул Сотилғоновнинг қўзғолон туфайли Сибирга сургун қилингани ҳақида хотира маълумотлари бор ва унинг сургундаги «ирлари»дан намуналар келтирилган. Шунингдек, ушбу тўпламдан жой олган, Сотқин Сасикбоевнинг Чибел дўсти Бўлат Жиртақов ҳақидаги мақоласида ҳам биз учун муҳим хабарлар келтирилган.

Шундай қилиб, ушбу тўпламда келтирилган хужжатли маълумотлар ва ўзимиз тўплаган хотиралардан Чибел бўлис ва дўстларнинг тақдири ҳақида қимматли далиллар аниқланди. Улар қўлга олингач, қўл оёқларига кишан солинган ҳолда Бозорқўрғонда уч кун қамашиб сўнгра, Андижонга олиб кетишган. Айни ўша кунлари Кетмонтепада Тўхтакул ҳам қамалган экан. Қўлга олинганларни иккита аравага солишиб, отлиқ аскарлар назоратида жўнатилган. Кун иссиқ, йўллар чанг, чанқоқ ёмон азоб берарди, атрофдан сув тутмоқчи бўлганларга ҳатто қаратмас ҳам эдилар, — деб эслайди Булат Жиртақов. Иккинчи куни Андижонга етиб келишди ва уларни Андижон турмасига қамашди. Бўлат хотирасида турмада, «Бир неча кун бўлдик», — дейилган. Аммо Ади оға ва бошқалар хотирасида 33 кун қамоқда бўлгани аниқ айтилади. Бирон ҳафтадан сўнг ён камерага яна одамлар олиб келишади. Ана шулар орасида Тўхтакул Сотилғонов ҳам бор эди. Улар Андижон турмасида бир-бирлари билан танишдилар. Бу кунлар Фозилбек Отабек ўғли ёзгандек, Чибел бўлисни сўроқ қилган кунларига тоғри келади. Бўлат хотирасига қараганда, турма хонасида тахминан 70-80 тадан маҳбус бўлган, ҳаво иссиқ ва дам, нафас олиш оғир бўлганидан бир неча одам ҳолдан тойган, ўлганлар ҳам бўлган.

XULOSA

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мен тасаввур этган дарс жараёнида талаба XIXасрдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни тўлиқ ечимга эга бўлиши, Дукчи Эшон қўзғолони юзага келиши тасодифми ёки таърихий заруратми деган саволга жавоб бўлади деб ўйлайман.

Мен тасаввур этган матн мазмунида ватанпарварлик, қадрият, миллий ғурур, орият, инсоф, нафсоният, зўравонлик, тажовузкорлик, мустақиллик, озодлик каби ғоялар тўқнашуви акс эттирилади.

Халқимизнинг босиб ўтган таърихий йўлига назар ташласак, унинг жуда ҳам қизиқарли, ранг-баранг ва воқеяларга бой эканлигининг гувоҳи бўламиз. Бу таърихий воқеяларга нисбатан кишиларда ҳар хил дунё қараш мавжуд эди.

Ана шундай тарихий воқеялардан бири, 1898йил Андижон қўзғолони ёки айрим манбааларда айтилишича «Дукчи Эшон» бошчилигидаги қозғолондир.

1991-йил 31-августда Ўзбекистон мустамлакалиги эълон қилинди. Шу муносабат билан унинг мустақилликка эришиш солномасига, эътабор кучайди. Зеро, ўтмишни ўрганмасдан келажакни яратиб бўлмайди. Бинобарин, юртбошимиз таъкидлаганидек, «Ўз таъриhini билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди».

Шундай қилиб, қўзғолон 1898-йил 17 майда Андижон шаҳрига яқин Мингтепа қишлоғида бошланиб, унга атроф жойлардаги бошқа аҳоли ҳам қўшилган.

Мустамлакачи маъмурият 1898-йилги халқ қўзғолони қатнашчиларидан раҳмсизлик билан уч олган. Қўзғолон ҳақида қуйидаги фикрлар мавжуд эди:

Икки хил қарашлар.

1. Бир қатор олимлар қўзғолонни диний характерда деб баҳолаганлар.

2. Кўплаб адабиётларда ҳаракатга миллий-озодлик кўриниши берилган.

Мен мавзунини ўрганиш асосида қуйидаги хулосага келдим:

Биринчидан – 1898 йилги Андижон қўзғолонининг диний ҳарактерда деб айта олмаймиз. Сабаби ўша даврдаги Ўрта Осиёда бўлиб ўтган ҳаракатларнинг кўпчилигига диний тус берилган. Шунга асосан, қўзғолоннинг келиб чиқишининг динга боғламасдан, балки мавжуд Россия томонидан ўрнатилган тузумдаги хурлик, жабр-зулм, зўровонлик системасидан қидиришимиз керак.

Иккинчидан – қўзғолон чинакам халқ ҳаракати эдики, унинг асосий иштирокчилари Туркистон қишлоқларида яшаётган деҳқонлар оммаси эди. Ҳаракатда деҳқонлардан ташқари шаҳарлик касибхунарсмандлар иштирокини ҳам кўраимиз.

Учинчидан – 1898 йил Андижон қўзғолонига биз миллатчилик ҳарактерини бера олмаймиз. Чунки қўзғолон аслида рус мустанлака тартибларига қарши қаратилган эди. Демак, бу кураш Орта Осиё халқларининг ўз эрки учун кураши деб ҳисоблаймиз, бундай эрк учун курашлар ҳар бир халқ тарихида бўлган.

Демак 1898-йилги Андижондаги «Дукчи Эшон» қўзғолонини ўзининг ҳарактерига кўра миллий-озодлик қўзғолонини, яъни рус мустанлакачилик тизимига қарши қаратилган халқларимизнинг миллий-озодлик ҳаракатидир.

Бу масалани ўқувчиларга айнан шундай маънода тушунтириш, айниқса ҳозирги кунда янада кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Сабаби, ўша даврдаги олиб борилган курашлар мустанқиллигимиз учун дастлабки тамал тоши вазифасини бажарган.

АДАБИЁТЛАР:

И.А. Каримов асарлари:

1. И. А. Каримов. «Маънавият юксалиш йўлида», Т., «Ўзбекистон», 1997-йил.
2. И. А. Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», Т., «Ўзбекистон», 1992-йил
3. И.А.Каримов. «Ватан саждагоҳ каби муқаддас!» Т., «Ўзбекистон», 1996-йил.
4. И.А.Каримов. «Ўзбекистон буюк келажак сари», Т., «Ўзбекистон», 1998-йил.
5. И.А.Каримов. «Бунёдкорлик йўлида», Т., «Ўзбекистон», 1996-йил.
6. И.А.Каримов. Ўзбекистон XII аср бўсағасида, Хавфсизликга таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон». 1997-йил
7. Ўзбекистоннинг янги таърихи. Тошкент 2000 1-том 463-бет
8. Аваз Муҳаммад Аттор Хукондий. «Тарихи Жахонномаи», «Шарқ юлдузи», 1981-йил, 8-сон.
9. Зиёев Ҳамид. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Тошкент., «Шарқ», 1998-йил. 390-бет.
10. Камолов С.Сарибоев. К.Қорақалпоқлар. Рисола. Нукус, 1999, 140-бет - Туркистон мустамлака ҳукмронлиги даврида. Т.2000.463-бет.
11. Каримов Ш. Шамсутдинов Р. Туркисон Русия босқини даврида. Т.2004-йил. 364-бет.
12. Мулла Олим Махмуд хожи. «Туркистон тарихи», Т., 1992-йил.
13. Миркомиллов Б. Туркистонда пахтачилик хўжаликларининг социал-иқтисодий ривожланиши (XIX аср охири – XX аср бошлари). Номзодлик диссертацияси. Т., 1989-йил. 270-бет.
14. Темур Тузуклари. Т.; Ғофур Гулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991,53-бет.

15. Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи Эшон воқеаси. Самарқанд-Тошкент. 1997-йил.

16. Эгамназаров А. Сиз билган Дукчи Эшон (хужжатли қисса). Т., «Шарқ» 1994-йил. 194-бет.

- Гулнор ал-Фарғоний. «Дукчи Эшонни ким сотди?» «Халқ сўзи», 1999-йил, 27-сон.

- Муллажонова Р. «Андижон кўзғолони» мавзусини ўқитиш, халқ таълими. 2000-йил, 3-сон.

- Халқ сўзи, 1996-йил 19-сентябр сони.

- Халқ сўзи, 1996-йил 17-декабр сони.